



## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2 июнь куни аҳолининг дам олиши учун муносиб шароитлар яратиш, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, энгил саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этиш, экспортни кенгайтириш лойиҳалари билан танишди, янги намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларда бўлиб, одамлар билан суҳбатлашди. Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича йиғилиш ўтказди. Ушбу тадбирларда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, жумладан, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида

белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз 3 июнь куни Андижон шаҳридаги «Ёйилма» маҳалла фуқаролар йиғинига ташрифи чоғида маҳалла ҳаёти билан танишди, одамлар билан мулоқот қилди. Маҳалла фуқаролар йиғини гузари курилиши лойиҳаси, ҳудудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Бу ерда маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хизмат хоналари бўлиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, кутубхона, минимаркет, қариялар дам олиш жойи, болалар майдончаси, фаввора, тренажёр майдони, сартарошхона, «Гўзаллик салони», новвойхона қурилмоқда.

Маҳалла аҳли билан му-

лоқотда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ва адашганларни тўғри йўлга қайтаришда нурунийларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Фарзандларимизни болалигидан гўзал хулқли, маданиятли қилиб тарбиялашимиз лозим, деди Президентимиз. Бунинг учун муносиб шароит яратишимиз керак. Улар чиройли, обод жойларда яшаса, кўп китоб ўқиса, маънавий олами бой, ватанпарвар бўлиб вояга етади.

«Ёйилма» маҳалласидаги 60 дан ортиқ кўп қаватли уйларида 5 минг 800 дан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Ҳудудда 8 болалар майдончаси, мини-футбол, баскетбол, футбол майдонлари бор. 1 коллеж, 1 умумтаълим мактаби, 2 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОСТАНА ШАҲРИДА ЎТАДИГАН ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 8-9 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Остона шаҳрида ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиши, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашиши, 2017-2018 йилларда ташкилотга раислик қиладиган давлат масаласини кўриб чиқиши кутилмоқда.

ШҲТнинг Тошкент саммити қарорларини амалга ошириш доирасида Остона шаҳрида Ҳиндистон ва Покистонни ташкилот аъзолигига қабул қилиш жараёни ниҳоясига етказилади.

Ўзбекистон Президенти Остона шаҳрида EXPO - 2017 иктисослаштирилган халқаро кўргазманинг расмий очилиш маросимида ҳам иштирок этади, қатор хорижий делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказида.

## АХБОРОТ

2017 йил 6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сенат Кенгашининг қарорига мувофиқ Мамаризо Бердмуратович Нурмуратов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

### ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз вакилларининг Олимпияда ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришяётгани, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳияти янада оша-

ётгани, республикаимиз ҳудудларида жаҳон андозаларига мос мухташам спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари оммалашиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

(Давоми 3-бетда.)

## Имтиёзли талабалик

ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР  
УНГА МУНОСИБ КЎРИЛДИ



Аввал хабар берганимиздек, умумтаълим фанлари олимпиадаси республика босқичининг иккинчи куни иштирокчилар тест синовидан ўтишди. Мусобақа якунига етгач, иккинчи тур натижалари эълон қилинди. Айни шу пайтда кизик, бахли ҳолатга дуч келинди. Она тили ва адабиёт фанидан беллашяётган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтохур

Olimpiada — 2017

академик лицейи ўқувчиси Холида Абдусатторова ҳамда Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касбуналар коллежи ўқувчиси Муниса Гаффарова иккала тур натижаларига кўра бир хил балл тўплаб, учинчи ўринга даъвогарлик қилаётгани маълум бўлди.

(Давоми 4-бетда.)

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз маҳалладаги кўп қаватли уйлар, коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Маҳалла профилактика инспектори Фаррух Ганиев хонадонда бўлди.

Профилактика инспекторларини маҳаллалар марказида хизмат уйлари билан таъминлаётганимиз бежиз эмас, деди Шавкат Мирзиёев. — Профилактика инспектори маҳаллада яшаб, фаоллар билан бамаънафит иш олиб борса, ҳудудда маънавий муҳит яхшиланади, жиноят содир этилмайди. Бу аҳолининг адолатга, давлатга, эртанги кунга ишончини оширади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги қарорига мувофиқ, Андижон шаҳрида кўп қаватли 37 зamonaviy uy-joy бунёд этилиши белгиланган. Бугунги кунда Султон Жўра номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида 294 хонадонга мўлжалланган етти қаватли турар жой қад ростлamoqда.

Бу турар жойлар биринчи галда уйга муҳтож одамларга берилади. Ёш oilаларнинг оёққа туриб олиши, мустанкил, эмин-эркин яшаши учун шароит яратлади.

Андижон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Андижон шаҳрининг бош режасига мувофиқ шаҳар ҳудудини кенгайтириш режалаштирилган. Кўп қаватли uy-joyлар, таълим, тиббиёт ва спорт муассасалари қурилиши мўлжалланган.

Универсал спорт мажмуаси улاردан бири. Мажмуа лойиҳасини такомиллаштириш, фаолиятини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Мажмуа кўп тармоқли, кўплаб спорт турларига ихтисослаштирилган бўлади. Спорт федерациялари шу ерга жойлашади. Мажмуада халқаро мусобақалар, оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш учун зарур шароит яратилади.

Президентимиз ташаббуси билан Андижон шаҳрида Ўзбекистон

халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони ва мактаби ташкил этилmoqда. Бу борадаги режалар билан танишув чоғида хиёбонда Муҳаммад Юсуф ҳайкалини ўрнатиш, мактаб фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

Андижон шаҳрида Республика ихтисослаштирилган кардиология ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларини ташкил этиш, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш ва зamonaviy жиҳозлаш режалаштирилган.

Бу шифохоналар ихтисослаштирилган тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, мураккаб жарроҳлик амалиётларини вилоятнинг ўзидан ўтказиш, касалликларни самарали даволаш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли ҳаёти, саломатлиги билан боғлиқ бу шифохоналарни тезроқ ишга тушириш, вилоят туманларида уларнинг субфилиалларини ташкил этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари эски «Андижонмаш» акциядорлик жамиятида бўлди. Бу ерда ташкил этилиши режалаштирилаётган кичик саноат зонаси лойиҳаси билан танишди.

Бўш турган ер майдони 19,16 гектар бўлган мазкур ҳудудда ташкил қилинадиган саноат зонасида энгил саноат, электрокабель, чармпойабзал маҳсулотлари, эшик-ром, мебель, дори-дармон, пластмасса ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари қайта ишланади. 2 минг янги иш ўрни очилади.

Саноат зонасида тадбиркорлар ва тижорат банклари томонидан 127 миллиард сўмлик 15 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

«Engelberg Group» МЧЖнинг янги

фабрикаси ана шу лойиҳалардан бири. Алюмин профили ромлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона Туркия ва Германиядан келтирилган зamonaviy технологиялар билан жиҳозланади. «Роҳат савдо сервис» МЧЖ томонидан суспензиялар, тиббий мазлар, ампулалар, сироп ва таблеткалар ишлаб чиқарилади.

Президентимизнинг 2017 йил 23 февралдаги «Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятда изчил ишлар олиб борилmoqда.

Вилоятдаги хусусийлаштирилган ва бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берилди. Бу борада шаҳар ва туманларда қўшимча хатлов ишлари олиб борилmoqда. Шу кунга қадар 5 минг 697 бино-иншоот хатловдан ўтказилиб, уларнинг 283 таси бўш турганлиги аниқланган. Шулардан 210 тасида янги лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган.

Президентимизга тақдим қилинган лойиҳалар кичик ва йирик ГЭСлар қуриш, газ таъминоти тизimini такомиллаштириш, цемент ҳамда оҳак ишлаб чиқариш каби йўналишларга мўлжалланган.

Булоқбоши туманида Хитой технологияси асосида йилгига 21 минг тонна кимёвий чўқтирилган бўр маҳсулотини ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Маҳсулот тўлиқ маҳаллий хомашё — оҳактошдан олинади. Корхона ишга тушган, чет элдан сотиб олинмаётган шу турдаги маҳсулотга бўлган талаб қондирилади, уни экспорт қилиш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа ташаббускорлари — тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

«Ўзфармасаноат» компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган фармацевтика соҳасини ривожланти-

риш дастури лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди.

«Трастбанк» томонидан Андижон туманида «Zamin Bio Health» жамиятида йиллик қуввати 10 миллион флакон инсулин ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган лойиҳа амалга оширилган, 100 киши иш билан таъминланади.

«Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017—2018 йилларга мўлжалланган мазкур соҳани ривожлантириш дастури лойиҳаси яратиладиган иш ўринларининг кўпчилиги билан эътиборни тортиди.

Президентимиз «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси Андижон вилоятда амалга оширишни режалаштирган лойиҳалар билан танишди. Янги автомобиль русуми — «Chevrolet tracker»ни ишлаб чиқариш бўйича маълумот берилди.

Бунда энгил автомобилларнинг ускуна ва жиҳозларини модернизация қилиш, энгил автомобиллар қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, янги моделдаги автомобиллар учун интерьер, штампланган, пайвандланган панеллар, радиатор, кондиционер тизимлари, ўриндиқлар, овоз сўндиргич тизими қисмлари, газ чиқариш тизимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди. Андижон шаҳри Миллий тикланиш кўчаси, 24-уйда жойлашган мазкур қабулхонада халқ билан мулоқот қилиш, муносабатларни кўриб чиқиш учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи — одамлар билан самимий мулоқотлар, сафар давомида белгилаб берилган улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

ЎЗА

## Ёшлар тарбиясига барча масъул

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ташрифи доирасида Андижон шаҳридаги «Ёйилма» маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли вакиллари, нурунийлар билан мулоқот қилди. Маҳалла фуқаролар йиғини гузари қурилиши лойиҳаси, ҳудудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир инсон учун тарбия ўчоғи, одамларнинг ҳамжиҳатлик асосида ҳаёт кечирishiни таъминловчи маҳалланинг нуфузини янада ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашда нурунийларнинг бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталди.

Дарҳақиқат, азалдан кексалар маҳалладаги барча ишларга бош-қош бўлган, тўй-хашамларда уларнинг маслаҳатига амал қилинган. Ҳудуднинг тинчлиги, oilалар тотувлиги, ёшларнинг

одоб-ахлоқи, юриш-туриши маҳалла кексалари назоратида бўлган. Бу кексаларнинг жамиятимиз ҳаётидаги мактеби юқори эканини кўрсатади.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам кексаларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш билан боғлиқ му-

ҳим вазифалар белгилаб берилган.

Жамғарманинг Андижон шаҳар бўлими фаоллари маҳаллалар, таълим муассасаларида маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, гузар, кўча ва қабристонларни ободонлаштириш, ёшларнинг пухта билими олиши, уларнинг маънавиятини, китобхонлик даражасини юксалтириш юзасидан кенг қўламли тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормoqда. Турли жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида профилактика инспекторлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилmoqда.

Умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда «Тинчликни кўз қорачиқидек асрайлик!», «Кеча ким эди-

гу бугун ким бўлди?» мавзусида ўтказилаётган суҳбатларда ёшларга халқимизнинг ўтмиши, собиқ тузум давридаги таътиқлар, тақиқу чекловлар ҳақида гапириб, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, бугунги тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш зарурлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилmoqда. Кенг жамоатчилик, профилактика инспекторлари, прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тушунтириш-тарғибот тадбирлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, турли оқим ва иллатлар таъсирига тушиб қолганларни тўғри йўлга қайтариш, oilалар мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этmoqда. Жорий йилнинг ўтган даврида ма-

### Dil izhori

ҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ажрашиш арафасида турган бир неча oilа яраштирилган, маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар кескин камайгани фикримиз тасдиғидир.

«Нуруний» жамғармаси фаоллари одамларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни ижобий ҳал этишга кўмаклашиш, аҳоли учун муносиб ҳаёт шароити яратиш борасида амалга оширилаётган изчил ишларга бурчли эканини яхши англайди ва бу йўлда ҳамisha фаол бўлади.

Турсунбой РУСТАМОВ,  
Андижон шаҳридаги  
«Чоргузар» маҳалла  
фуқаролар йиғини фаоли.  
ЎЗА

2017-yil 7-iyun, № 45 (9006)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида jismoniy tarbiya va omma-viy sportni yanada rivojlan-tirish, aholi-ning barcha qatlam-lari, ay-niksa, ёшларни jismoniy tarbiya va sport bilan mun-tazam shugullanishga jalb etish, mam-lakatimizda bu bora-da yaratilgan sharoit-lardan samarali foydala-nish natijadorligini oshiri-sh maksadida:

1. Ўзбекистон Республикасида jismoniy tarbiya va omma-viy sportni yanada rivojlan-tirish dasturi (keyingi yuridlar-da Dastur deb ataladi) 1-ilova-ga muvo-fiq tasdiqlansin.

Куйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

jismoniy tarbiya va sport soxasini tashkil etish va boshqari-sh tizimini rivojlan-tirishga iynal-tirilgan konunchilikni yanada takomillash-tirish;

jismoniy tarbiya va sport soxasining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, zamona-viy sport kompleks-larini kurish, ularni zamona-viy sport uskunalar-i va an-jom-lari bilan jixozlash, mazkur soxada xususiy sek-tor-ni rivojlan-tirish;

jismoniy tarbiya va sport soxasida кадрлар тайёрлаш, ularni qayta тайёрлаш va mala-kasini oshiri-sh muassa-salarini ilmiy-uslubiy ji-xatdan qullab-kuvatlash xam-da sport maktab-larini yuqori mala-kali murabbiy-lar va tibbiyot hoxim-lari bilan ta'minlash;

ta'lim muassasalari ukuvchi va talabalari, aholi-ning keng qatlam-lari ur-tasida soqlomlash-tirish, jis-moniy tarbiya, omma-viy sport ish-larini tashkil etish, kompleks sport muso-baqalarini utkazish, ёшлар орасидан иқтидорли спорт-чиларни saralab olish va ularni maksadli тайёрлаш;

omma-viy axborot vosita-lari, internet tar-mogini imkoniyat-laridan faol foydalan-gan holda, aholi ur-tasida soqlom turmu-sh tarzi-ni targib qilish, Dastur-ning mazmun-moxiyati xam-da uni amal-ga oshiri-sh jara'oni tuf-risida keng axborot-tu-

shuntirish ish-larini olib bori-sh.

2. Ўзбекистон Республикасида jismoniy tarbiya va omma-viy sportni yanada rivojlan-tirish dasturi bajaran-lishini muvo-fiq-lashtiruvchi respublika komissiya-si (keyingi yuridlar-da Res-publika komissiyasi deb ataladi) tarkibi 2-ilova-ga muvo-fiq tasdiqlansin.

Respublika komissiyasi (A.N.Aripov) vazifalari etib kuyi-da-gilar belgilan-sin:

Dasturda nazarda tutil-gan barcha chora-tadbi-rlar tuluq amal-ga oshiri-lishi yuzasidan masul vazirlik-lar, idoralar va mahalliy davlat hoximiyati organ-lari faoliyatini muvo-fiq-lashtiri-sh;

bir xaf-ta mud-dat-da Qora-qalpo-giston Res-publika-si, viloyat-lar, Toshkent sha-hri, tuman-lar va sha-har-lar-da Dastur ijrosini ta'minlash buyi-cha xududiy ish-chi guru-h-lar tashkil etilishini ta'min-lash;

ikki xaf-ta mud-dat-da Qora-qalpo-giston Res-publika-si Vazir-lar Ken-gashi, viloyat-lar, Toshkent sha-har, tu-man hoximlik-lari to-mo-ni-dan ushu qaror va dastur-dan kelib chiq-qan holda xududiy dastur-lar ish-lab chiqi-lishini ta'minlash;

bir oy mud-dat-da Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Jis-moniy tarbiya va sport davlat kumitasi-ning Sport va omma-viy jis-moniy tarbiya tad-bir-larini kalen-dar re-jasiga kiritil-gan barcha sport tur-lari buyi-cha tegi-shli respublika va xududiy sport federa-ciyalariga (yosh-malariga) biritil-gan hoximiy tashkilot-lar-ni amaliy erdam beri-sh buyi-cha taklif-lari va ta-shabbus-larini qullab-kuvat-lash-ga doir barcha masa-lalar hal etilishini ta'min-lash.

5. Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Davlat arxitektura va ku-ri-lish kumitasi: sport in-shoot-larini yan-gi-dan ku-ri-sh, rekon-struk-ciya qili-sh va mukam-mal ta'mir-lash ish-lari buyi-cha loyi-xa-smeta huj-jat-larini bel-gi-lan-gan tartib-da davlat ek-sper-tizasi-dan utkazilishini ta'min-lasini;

Dastur-ni amal-ga oshiri-sh doirasida bajaran-ladigan loyi-xaviy va ku-ri-lish-mon-taj ish-lari sifati, sha-har-

mun-tazam ravish-da hukumat-ni-ning yarim yillik majlis-larida mu-xo-ka-ma qilib bo-ri-lsin.

3. Dastur-ni mo-liya-lashtiri-sh man-balari etib ku-ri-lashtirilgan bel-gi-lan-sin:

Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Jis-moniy tarbiya va sport davlat kumitasi xuzurida-gi Bolalar sportni rivojlan-tirish jam-far-masi mablag-lari;

Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Mo-liya vazir-li-gi xuzurida-gi Byud-jet-dan tash-qari ta'mil va tibbiyot muassa-salarini rivojlan-tirish jam-far-masi mablag-lari;

Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Davlat byud-jeti mablag-lari;

Qora-qalpo-giston Res-publika-si byud-jeti, viloyat-lar, Toshkent sha-har mahalliy byud-jet-lari, jam-far-malar, sport federa-ciyalari (yosh-malar-i), klub-lari, hoximiy investo-r-lar, jis-moniy tarbiya va sport jamiyat-lari mablag-lari, yuridik va jis-moniy shax-slar-ni hoximiylik xair-lari;

konun huj-jat-larida ta-qo-qlan-magan bosqa man-ba-lar.

4. Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Mo-liya vazir-li-gi, Qora-qalpo-giston Res-publika-si Vazir-lar Ken-gashi, viloyat-lar, Toshkent sha-har, tu-man-lar va sha-har-lar hoximlik-lari aholi, ukuvchi va ta-labalarni sport muso-baqalariga, respublika sport tad-bir-lariga yubori-sh uchun mablag-lar Sport va omma-viy jis-moniy tarbiya tad-bir-larini kalen-dar re-jasiga nazarda tutil-gan mablag-lar doirasida aso-slan-gan xisob-kitob-lar-ga muvo-fiq ajratilishini ta'min-lasini.

5. Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Davlat arxitektura va ku-ri-lish kumitasi:

sport in-shoot-larini yan-gi-dan ku-ri-sh, rekon-struk-ciya qili-sh va mukam-mal ta'mir-lash ish-lari buyi-cha loyi-xa-smeta huj-jat-larini bel-gi-lan-gan tartib-da davlat ek-sper-tizasi-dan utkazilishini ta'min-lasini;

Dastur-ni amal-ga oshiri-sh doirasida bajaran-ladigan loyi-xaviy va ku-ri-lish-mon-taj ish-lari sifati, sha-har-

sozlik normalari va qo-da-ni-ning yarim yillik majlis-larida mu-xo-ka-ma qilib bo-ri-lsin xam-da buyo-rt-machi va pud-rat-chi tashkilot-lar to-mo-ni-dan tuzil-gan shartnomalar shart-lari bajaran-lishi yuza-si-dan tizimli monitoring olib bor-sin.

6. Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Soq-luqni saqlash va-zir-li-gi va Jis-moniy tarbiya va sport davlat kumitasi to-mo-ni-dan bildiril-gan xududiy kup tar-moqli tibbiyot markaz-larida sport tibbiyoti buyim-larini tash-kil etish va ular-ni moddiy-texnik bazasini mustahkamlash tuf-risida-gi tak-lif-lar ma'qul-lansin.

7. Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Jis-moniy tarbiya va sport davlat kumitasi-ga:

Dastur va uning aso-sida ish-lab chiqil-gan xududiy das-tur-lar-da belgilan-gan barcha chora-tadbi-r-lar ijrosini uz muvofiq sifati amal-ga oshiri-lishi yuzasidan tegi-shli vazirlik va idora-lar, mahalliy davlat hoximiyati organ-lari va xududiy ish-chi guru-h-lar-ga tashkiliy-uslubiy erdam kuz-ratish;

Ўzbe-kis-ton terma jamoalari sportchilari-ni-ning ukuv-mash-gulot iyni-gan-lari, xa-hon birin-chilik-lari, Osiy yu-in-lari va chempionat-lari, xa-laro muso-baqalarda muva-faqiyatli ish-tirok etish-lari ta'minlash maksadida muso-baqalar yakun-larida erishil-gan natijalari-ning chu-qur ta-hil qili-sh va tizim-li monitoringini olib bo-ri-sh;

ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни saralab olish, jis-moniy tarbiya va sport-ga ixtisos-lashtir-gan sport maktab-lariga, ta'lim muassasalari va sport klub-lariga iktidorli sportchi-lar-ni qabul qili-sh jara'en-larini-ning shaffofli-gi va xolisli-gini ta'minlash yuzasidan doimiy ravish-da ta'bir-chan choralar ku-ri-sh xam-da har chorak yakun-lari buyi-cha kumitani-ning majlis-larida tanqid-diy-tahli-liy

mu-xo-ka-madan utkazish va-zir-falari yu-klan-sin.

8. Qora-qalpo-giston Res-publika-si Vazir-lar Ken-gashi, viloyat-lar, Toshkent sha-har hoximlik-lari:

sport in-shoot-lari iyl davomida uzluqsiz faoliyat yuriti-shini ta'min-lash, ular-dan samarali foydala-nish, moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, xoti-jga ku-ra sport in-shoot-larini muqobil energiya man-balari bilan jixozlash choralarini ku-ri-sh;

tegi-shli xudud-da sport federa-ciyalariga (yosh-malariga) biritil-gan hoximiy tashkilot-lar-ni amaliy erdam beri-sh tur-lari (bino va in-shoot-lar-dan be-pul foydalanish, mablag-lar xam-da sport anjom-lari bilan ta'min-lash va x.k.) buyi-cha taklif-lari va ta-shabbus-larini qullab-kuvat-lash-ga doir barcha masalalar hal etilishini ta'min-lasini;

sport ta'lim muassasalari va majmualari ixti-berida-gi er maydon-larini (ochik va ёпиқ tur-dagi sport in-shoot-larini) tasarruf etish Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Vazir-lar Ma'x-masi qaror-lari aso-sida amal-ga oshiri-lishi-ga qat'iy rioya kilin-sin.

9. Ўzbe-kis-ton Milliy axborot agentli-gi, Ўzbe-kis-ton Milliy telera-dio-ompaniya-si, Ўzbe-kis-ton matbuot va axborot agentli-gi, Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari-ni rivojlan-tirish vazir-li-gi Dastur-ni-ning maz-mun-moxiyati xam-da uning doirasida tashkila-tiril-gan tadbi-r-lar-ni omma-viy axborot vositalarida, shu jum-lad-an, internet tar-mogi orqali aholi o-rasida mun-tazam va keng eritilishini ta'min-lasini.

10. Mazkur qaror-ni-ning ijrosini nazorat qili-sh Ўzbe-kis-ton Res-publika-si-ni-ning Bo-sh vaziri A.N.Aripov va Ўzbe-kis-ton Res-publika-si Prezident-ni-ning Davlat mas-laxat-chisi A.N.O-nuxso-djaev zim-masiga yu-klan-sin.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ташкент шаҳри,  
2017 йил 3 июнь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг jismoniy tarbiya va omma-viy sport bilan mun-tazam shugullanish uchun zamon talab-lariga mos shart-sharoit-lar yaratildi, sport muso-baqalarini orqali ёшларда uz irodasi, kuchi va imkoniyat-lariga bul-gan ishon-chi mustahkamlash, mar-dlik va vatanparvarlik, ona Van-tan-ga sa-do-qat tuy-gularini kamol

top-tirish, ular o-rasidan iktidorli sport-чиларни saralab olish va maksadli тайёрлаш ish-larini tizim-li tashk-il etish borasida keng kul-amli ish-lar amal-ga oshirildi.

Yur-timizda ukuvchi va talaba-ёшлар ur-tasida to-bora om-malash-i bora-et-gan, ta'lim muassa-salarida ta-hsil ola-et-gan navkur ug'il-kiz-larimiz uchun china-kam chini-ki-sh va ma-xorat maktabiga, katta xa-et iyu-li-

ga parvoz maydon-chasiga aylani-b ul-gur-gan "Umid nihol-lari", "Bar-kamol avlod", Universiada sport muso-baqalarini uzida mujassamlan-gan uch bos-ki-dan iborat xylit tizim yaratildi. Mazkur tizim orqali bu-gun-gi kunda nu-fuzali xalqaro maydon-lar-da Vatanimiz bayro-gini baland kutarib kela-et-gan mashhur sport-chi-lar et-ishi-b chiq-mo-qa. Eng mu-ximi, ushu muso-baqalar ёsh-larimizni om-

ma-viy tarz-da sport-ga, soqlom tur-mush tarziga oshno qili-sh vositasiga aylandi.

Faqat o-yngi besh yil ichida res-publika-mizda jismoniy tarbiya va sportni rivojlan-tirish, shuningdek, uning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash uchun byud-jet-dan 1 trillion 230 milliard sum mablag ajratildi.

(Давоми 4-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Шу билан бирга, бугунги кунда аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан қамраб олиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломлик ҳамда етуқликнинг асосий шартларидан бири эканлигини фаол тарғиб этиш, ёшларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан спорт соҳасида алоҳида иқтидор эгаларини саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби масалалар тизимли асосдаги ечимини кулмоқда. Қатор спорт муассасаларининг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб бермайди, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Мазкур соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури тасдиқланиб, унга мувофиқ кенг кўламли, аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, дастурга мувофиқ:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳа-

сининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини қуриш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш;

таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш каби йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур ижроси доирасида спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штатлар жадвалига “Спортчи” лавозими жорий этилиши Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган муҳим қадам вазифасини ўтайди.

Дастурда, шунингдек, барча таълим муассасалари спорт иншоотларида дарсдан сўнг ўқувчи ва талабалар учун спорт тўғрисидаги ҳамда спорт клублари фаолиятини тизимли ташкил этиш ва бошқариш йўлга қўйиш мақсадида спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мак-

табларида “Спорт тўғрисидаги ва селекция бўйича тренер” лавозимини киритиш белгиланган. Мазкур лавозим жорий этиш орқали таълим муассасаларида ташкил этиладиган спорт тўғрисидаги билан қўшимча равишда минглаб ўқувчи ва талабаларни қамраб олишга эришилади ва уларга спорт билан мунтазам равишда шуғулланишларига қулай имкониятлар яратилади.

Бундан ташқари, дастурда жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасалари ва спорт клублари фаолиятини олимпия, миллий ва бошқа спорт турлари кесимида рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш белгилангани уларнинг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасининг “Жисмоний тарбия ва спорт аълочили” кўрак нишонининг таъсис этилиши эса соҳа фидоийининг меҳнатини янада муносиб рағбатлантиришга хизмат қилади.

Дастурга кўра, ўқувчи ва талабалар ўртасида ўтказиладиган уч босқичдан иборат “Умид ниҳоллари”, «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари дастурларини спортнинг оммавий турлари хисобига кенгайтириш, нуфузини ошириш ва мусобақа голибларини муносиб рағбатлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган.

Ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли равишда ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Республика ва ҳудудий кенгашлар фаолиятининг ташкил этилиши, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш жараёнида

шаффофлик ва ҳолисликни таъминлаш чораларининг амалга оширилиши пировардида халқроқ мусобақаларда спортчиларимиз ютуқлари салмогини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Қарорда ўз ечимини топган муҳим масалалардан яна бири — ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида спорт тиббиёти бўлимларининг ташкил этилиши ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш белгилаб қўйилганидир.

Дастур доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида жами 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган бўлиб, шундан 706,2 миллиард сўмдан ортқ қисми ушбу йилларда жами 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ва 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилади.

Қарор ва дастур доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролинини янада кучайтириш, аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш орқали уларни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш, қолаверса, нуфузли халқроқ майдонларда Ватанимиз байрогини баянда кўтариб келаётган машҳур спортчиларимиз сафларини тобора кенгайтиришга хизмат қилиши.

## Имтиёзли талабалик

### ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР УНГА МУНОСИБ КЎРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳакамлар ҳайъати икки ёш ўртасида тенг кечган мurosасиз, ўзига хос беллашув ечимини қўшимча топшириқлар бериш орқали ҳал этди. Давоғарлар қўшимча саволлар устида анча бош қотиришига тўғри келди. Яқунда топшириқларнинг оригинал ечимини топа олган, муҳими, бирорта хатога йўл қўймаган Холида Абдусатторова 3-ўринга муносиб кўрсатилди.

— Беллашувда қатнашиб юртимизда билимли, салоҳиятли тенгдошларим кўплигига ишонч ҳосил қилдим. Улар билан дўстлашиб, ҳатто бир-биримизга рақиб эканимизни ҳам унутдик, — дейди Холида.

Фан олимпиадасида 1-, 2-, 3-ўринларни қўлга киритган 34 нафар йигит-қизга ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг дипломлари тантанали равишда топширилди. Асосийси, совринли ўринни эгаллаган ўқувчилар Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги қарори ҳамда олимпиада низомига биноан олий ўқув



юртларига тест синовларисиз ҳамда қўшимча имтиҳонларсиз кириш имтиёзига эга бўлди.

— Тинимсиз ўқиш ва излашниларим, ўқитувчиларимнинг меҳнати бесамар кетмаганидан хурсандман, — дейди Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Сирожиддинов номидаги академик лицей ўқувчиси Насиба Раҳматуллаева. — Биология фани

бўйича 86,3 балл тўплаб, голиблик шохсупасининг иккинчи погонасидан жой олдим. Келгусида Тошкент тиббиёт академиясида ўқишни давом эттириб, аҳоли саломатлигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшаман.

Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Хусайн Хасанов информатика ва ахборот технологиялари фанидан 90,5

балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Иқтидорли йигит шу йил июль ойида Эронда ўтказиладиган дастурчилар кўриктанловида муносиб қатнашиб, Ватанимиз байрогини юқорига кўтариш ниятида.

Барчани ҳаяжонга солган кунлар ортада қолди. Тўртинчи босқич якунига кўра, қорақалпоқ тили ва адабиёти фанини қўшиб ҳисоблаганда, 15 фандан 34 нафар голиб

ўқувчи аниқланди. Бироқ беллашувда 11 ўрин — физика фанидан учта, рус тили ва адабиёти (рус гуруҳлари учун) фанидан учта, рус тили фанидан (ўзбек гуруҳлари) иккита, кимё фанидан иккита, ўзбек тили фанидан (рус гуруҳлари учун) битта ўрин ўқувчилар томонидан етарли балл тўпланмагани боис бўш қолди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти олтидан совринли ўрин билан биринчи, Бухоро вилояти бешта совринли ўрин билан иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Самарқанд, Наманган вилояти жамоалари тўртдан совринли ўрин билан учинчи ўринни эгаллади. Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё вилояти вакиллари бирорта ҳам совринли ўринни қўлга киритолмади.

Бу рақам ва кўрсаткичлар ҳудудларда чуқур тахлил этилиб, ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар ўрганилиши шубҳасиз. Негаки, қизгин ва мurosасиз беллашувлар кимнинг қандай ишлаётганини, қайси ҳудудда билимли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратилаётганини кўрсатиб берди.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,**  
“Ma'rifat” мухбири  
**Бурҳон РИЗОКУЛОВ**  
олган суратлар.

2017-yil 7-iyun, № 45 (9006)

## 2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

Хеч эътибор берганмисиз? Баъзан кундалик ҳаётингиз муаммолар гирдобиди қолганга ўхшайди. Тиним билмайсиз, бироқ ишингизда унум йўқ. Йўлингиз боши берк кўчага бориб туташаверадиди. Бунга сабабини эса беихтиёр атрофдан ахтарасиз. Юзингизга кўзгу тутиб, муаммоларингиз тизгини қўлингизда эканини англашувчи мард ҳар доим ҳам топилмавермайдиди. Шу маънода, 2017 йилининг Халқ билан мuloqot ва инсон манфаатлари йили деб номланишидан кўзланган мақсад-мудбо мутасаддилар эътиборини муаммолар ечимига қаратиши билан бирга, юртдошларимизнинг маънавиятини ошириши, ҳақ-ҳуқуқларини танитиши, дуч келиши мумкин бўлган сунъий тўсиқларини мустақил энгшига ўргатишидир. Чунки мамлакатимизда аҳолининг, хусусан, ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун яратилган кенг имкониятлар ҳамма давлатларда ҳам mavjud эмас. Бундай кулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиши учун ўқиш, изланиш, ҳалол меҳнат қилиш, давр билан ҳамнафас яшаш лозим. Тошкент кимё-технологиялар институти ўқувчилари бўйича проректори Шухрат Муталовнинг озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети талабалари даврасида ўтказилган сайёр қабулини кузатиш асосида шундай мулоҳазалар ҳаёдан ўтди.

## Талабалар билан мuloqot

Мuloqot чоғида проректор талабаларнинг таълим жараёнига оид саволларига жавоб берди.

### Жаҳонгир Каримов, талаба:

— Мен институтда давлат гранти асосида ўқияман. Ўқини тамомлаган, хусусий корхонада ишлашим мумкинми?

### Шухрат Муталов:

— Бугунги кунда турли соҳаларда хусусий секторнинг улushi ортмоқда. Шу боис битирувчиларимизнинг хусусий корхоналарда нафақат ишлашига, балки моддий-техник базаси талабга жавоб берса, талабаларнинг ишлаб чиқариши, диплом олди амалиётини шундай ташкилотларда ўтатишига ҳам руҳсат берилди.

### Наргиза Маметова, талаба:

— Ўқиш ва меҳнат ишларида ўзининг фаоллигини ҳамда истеъдодини намойён этаётган талаба давлат стипендиясини олиши учун ҳужжат топширмақчи бўлса, қуйи курсларда айрим фанлардан олган "4" баҳосини ўзгартиришига ҳаракат қилиши мумкинми?

### Шухрат Муталов:

— Тизимда баҳони қайта ўзлаштириш, яъни ўзгартириш назарда тутилмаган. Бироқ "4" баҳо фақат бир марта ҳужжатларда қайд этилиб, қолган баҳолар фақат "аъло"дан иборат бўлса, бу масала қўриб чиқилиши мумкин.

Жараёни кузатиш палласида аксарият мурожаатлар асосан талабаларнинг якуний имтиҳон топшириши билан боғлиқ эканига амин бўлди. Албатта, бу борада йигит-қизларга баҳоли қудрат кўмак берилмапти. Бироқ сўзимиз аввало айтганимиздек, сайёр қабулда ўртага ташланаётган айрим муаммоларнинг ечими талабаларнинг ўзи билан боғлиқ.

— Инсон ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилишига ўрганиши керак, — дея вазиятга изоҳ берди Шухрат Муталов. — Агар сиз йил давомида асосий вазифанигиз ўқиш эканини ҳис этиб, дарсларда фаол иштирок этсангиз, оралиқ назоратларни вақтида топширсангиз, аминманки, бирорта ўқитувчи якуний баҳони қўйиш пайти сизни овора қилмайди. Талабаларнинг ҳам ўзига хос маданияти бор. Бу ҳар бир вазифани ўз вақтида адо этишда ҳам яққол намойён бўлади. Баъзан кеч кириб қолганда ҳам айрим талабаларни аудиториялар эшиги ёнида учратаман. Демак, синовлардан ўтолмаганингиз боис, бирор фандан қайта имтиҳон топшириш мақсадида қайсидайдур ўқитувчининг бўшабини кутасиз. Келинг, мулоҳаза юритиб кўрайлик: йил давомида эгалланмаган билимни икки-уч кун, борингки, бир ҳафтада ўзлаштириш сизга ҳам, кечгача дарс ўтиб, боз устига сиздан қайта имтиҳон олиш ўқитувчига ҳам осон эмас.

Сайёр қабулларда айtilган муаммоларнинг барчаси бирдан бартараф этилмас-да, талаба ва ўқитувчилар ўртасида самимийлини вужудга келтиради. Узаро тушуновчиликларга биргаликда барҳам берилиб, хато ва камчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этишига хизмат қилади.

"Ректор билан очик мuloqot" тadbirlari институт буйлаб факультетлар кесимида режа асосида ўтказилмоқда. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар, ёш

олимлар, талабалар ҳамда ота-оналар ёзма, интернет тармоғидаги махсус сайт орқали институт раҳбариятига ўзини қийнаётган муаммоларни, тақлиф ва мулоҳазаларини билдириши мумкин. Бундай мурожаатлар орасида иқтидорли талабаларнинг илмий-инновацион лойиҳаларда иштирок этиши, ёш тадқиқотчиларнинг хорижий мамлакатларда тажриба ошириши сингари тақлифлари анча. Бунга жавобан саккиз йўналишда амалга оширилаётган илмий лойиҳаларга ўттиздан ортик йигит-қизлар бириктирилди. Институт профессор-ўқитувчиларининг 35 нафари фан докторларидир. Мuloqotларда нафақат институтдан, балки вилоятлардаги турдош таълим муассасалари тадқиқотчиларидан ҳам тушган мурожаатлар инобатга олиниб, ҳар бир фан докторига олти нафаргача шогирдлар бириктирилиши назарда тутилмоқда.

— Талабалар тураржойларида уюштирилаётган сайёр қабуллар ёшларимиз ҳаёти, уларнинг қизиқиши ва интилишлари билан яқиндан танишишимизга имкон бераёттир, — дейди институтнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Тўлқин Қодиров. — Масъулларнинг бевосита ёшлар билан ўзма-юз гаплашиши, хоналар кўригида қатнашиши, яқин кишидек талабалар ҳолидан хабар олиб, кўнгил кечинмалари билан ўртоқлашишига ҳазм этишининг ўзиёқ йигит-қизларимиз руҳиятини кўтариб, ўзига нисбатан талабчанлигини оширяпти. Яқинда ўтказилган шундай қабуллардан бирида институтимиз талабалар тураржойи кутубхонасида жаҳон ва ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг асарлари камлигидан хабардор бўлди ва навбатдаги харид режасига бир неча номдаги ана шундай китобларни сотиб олиш масаласини ҳам киритди. Мuloqotлар "Педагог — талаба нигоҳида" сўровномаларини ўтказиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг меҳнат ва ижро интизомига риоя этишини назорат қилиш, жумладан, кийинини маданиятини тарғиб этиш ва натижаларни мониторинг қилиб бориш, "Ахборот соатлари" да бу каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатди.

— Бирорта ҳам мурожаат назардан четда қолмапти, — дейди институтнинг фуқаролар мурожаатлари бўйича масъул ходими Мукаддас Холмухаммедова. — Уларнинг баъзиларига қўнун доирасида тушунтириш бериш, айрим муаммоларга эса маълум вазиятларни тўғри баҳолаш билангина ечим топиш мумкинлигини ўқитиш керак. Масалан, ўқув биноларининг навбат билан таъмирланиши дарсларнинг икки сменада ташкил этилишини талаб этди. Табиийки, охириги дарс соатларининг кеч тугаши талаба қизларда эътироз уйғотди. Институт маъмуриятининг ички имкониятларни қўриб чиқиши натижасида вазият тезда ўнганди.

Институт ҳам катта бир оилга ўхшайди. Ундаги соғлом муҳитни эса ана шундай ошқора, холисона ва самимий руҳдаги мuloqotлар шакллантиради. Бўлиб ўтаётган сайёр қабулларнинг бу борада алоҳида ўрни бор.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
"Ma'rifat" мухбири

## Педагогдан қоғоз эмас, натижа сўранг!

Ўқитувчи бир ўқув йили давомида ўқув-услубий мажмуалар яратиши, педагогик юкламаларни бажариши, дарсга тайёрланиши, малака ошириши, аттестация имтиҳонларидан ўтиши учун 8–10 ўрам қоғоз керак бўлар экан.

Педагогнинг йиллик иш юкласи 800 соат этиб белгиланган. Унинг тақсими академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ҳафтасига 20 соатга тўғри келади. Мана шу соатларни ўтганини исботлаш учун ўқитувчи яна 18,5 соатлик юкламани бажариши — машғулота тайёргарлик кўргани, дарсга киргани, ўқувчиларга баҳо қўйганини қоғозларда кўрсатиши, алоҳида педагогик юклама дафтариди канча тadbир ўтказганию (фотосуратлари билан) неча марта ишчи-семинар ва конференцияга борганини қайд этиши керак...

Шу ўринда қатор саволлар туғилади: ўқитувчи тайёрлаган кадр салоҳияти мана шу қоғозларда акс этадими? Агар бу ҳужжатлар дарсларнинг амалий самарасини, ўқувчи би-

### Fikr, mulohaza, taklif

ҳам аттестацияга бир кучок қоғоз эмас, шунчаки ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини тақдим этиши зарур. Шундагина педагог ўзининг асосий вазифасини бажаради, диққати ва фаолияти дарс мазмундорлигини оширишга йўналтирилади.

Айни пайтда кеча ишга келган, дарс ўтиш методикасини чуқур билмайдиган ўқитувчи ҳам тажрибали ҳамкасбининг ҳужжатларини олиб, рангли принтердан чиройли чиқариб, аттестациядан муваффақиятли ўтати. Мазкур тақлиф қабул қилинса, бу каби ҳолатларга барҳам берилади.

Галдаги вазифалардан яна бири баҳолаш тизимини объективлаштиришидир. Чунки ўқитувчининг меҳнати ўқувчининг билимида кўринар экан, боланинг фанини билиш даражасини нисбий эмас, холис ва ҳаққоний баҳолашга зарурат сезилади. Масалан, IELTS баҳолаш тизими орқали ҳар йили 10 миллиондан ортик киши имтиҳон топширади. Унинг натижаси номзодларнинг қайси даражада билим, малака ва кўникмага эгалигини исботлайди ва у тил даражасини таълимнинг кейинги босқичи ёки иш жараёнида ривожлантириб боришга асос бўла олади. Чет тилини билишнинг IELTSда аниқланган даражаси дунёнинг барча ҳудудидан тан олинади. Уни текшириш учун махсус комиссия ташкил

Педагогнинг иш соати тўлдирган қоғозлари билан эмас, давлат таълим стандарти бўйича унинг шу таълим тизимига қўйилган талабларни бажаргани билан ўлчаниши лозим. Раҳбарият ҳам, таълим муассасасига турли ташкилотлардан келадиган текширувчилар ҳам ўқитувчидан чиройли муқоваланган ҳужжатлар, ҳисоботларни эмас, натижани — ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини талаб этиши керак. Ўқитувчи ҳам аттестацияга бир кучок қоғоз эмас, шунчаки ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини тақдим этиши зарур.

лимини намойён этмасе, унда бу қоғозбозликдан нима наф? Педагоглар асосий вазифаси — пухта билим беришдан чалғиб, фақат ҳужжат тўлдирish билан банд бўлиб қолмайтирми? Ўқитувчи бу қоғозларни тўлдирish ўрнига ўқувчи билан ишлагани яхши эмасми? Нега ота-оналар болаларини яхши ўқитувчиси бор таълим муассасасига олиб келишадими, яна ўша "яхши" ўқитувчига алоҳида релетивторлиги учун пул тўлашадими? Бу ҳам дарсларнинг самарадорлиги тушиб кетаётганидан дарак эмасми? Бундай вазиятда таълим сифати ким томонидан ва қандай назорат қилиниши керак?

Саволларга тайинли жавоб йўқлиги, ўқитувчи ва мураббийларни қийнаётган бу каби муаммоларга бир кунда ечим топмаслигини яхши тушунган ҳолда педагог, қолаверса, оддий фуқаро сифатида мазкур камчиликлар ечими бўйича баъзи тақлифларини баён этмоқчиман.

Таълим самарадорлигига тўсиқ бўлиб турган ортикча қоғозбозлик ва расмийчиликка барҳам бериш учун, фикримизча, ўқитувчининг фаолиятини эришган натижасига, яъни ўқувчиларнинг билимига қараб баҳолаш зарур. Педагогнинг иш соати тўлдирган қоғозлари билан эмас, давлат таълим стандарти бўйича унинг шу таълим тизимига қўйилган талабларни бажаргани билан ўлчаниши лозим. Раҳбарият ҳам, таълим муассасасига турли ташкилотлардан келадиган текширувчилар ҳам ўқитувчидан чиройли муқоваланган ҳужжатлар, ҳисоботларни эмас, натижани — ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини талаб этиши керак. Ўқитувчи

этилмайди.

Педагогнинг баҳоси ҳам худди шундай қатъий ва объектив бўлиши керак. Иккита таълим муассасасида "беш" баҳо олган ўқувчиларнинг билимида айтарли тафовут бўлмағлиги лозим. Чет тили ўқитувчиси бошланғич таълимда ўқувчининг олган "беш" баҳоси А1 даражада билимга эга эканини исботлай олиши керак. Чет тили баҳолаш мезонларини нега бошқа фанларга татбиқ этолмағимиз? Шу маънода, баҳолашга аниқ талабар қўйилса, эҳтимол, таълим муассасасида "аъло"га ўқиган битирувчилар ўз онали ёки бошқа тилларни билмагани учун қўшимча пулли курсларга қатнаб сарсон бўлмасди.

Худди шундай режалар текшириш асосида келадиган турли ташкилот ходимлари таълим муассасасини текшираётганда ўқитувчилар қоғозини эмас, педагог фаолиятининг ҳақиқий маҳсули — ўқувчининг давлат таълим стандарти асосида ўзлаштирган билиминини, журналга қўйилган баҳоларнинг мазкур стандартда белгиланган баҳоларга мослигини текширса, таълим муассасаси давлатдан олаётган дотацияларини оқлаган бўлади.

Шунингдек, давомат ошиб, дарслар қизиқarli ва мазмунли бўлади. Ўқитувчи кўпроқ ўз устиди ишлайди. Ўқувчиларнинг дарсда қатнашини, жорий, оралиқ ва якуний назоратда холис баҳолашини ҳамда давлат таълим стандарти талабларининг бажарилаётганини мониторинг қилиш имкони пайдо бўлади.

Феруза РАШИДОВА,  
ЎзДЖТУ қошидаги  
2-академик лицей  
директори

## Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Наманган давлат университетидида 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, тарғиботчилар, ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қўйилган мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиёт стратегияси барча соҳаларни либераллаштириш, модернизация қилиш, амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада юксалтириш, давлат ва жамият ривожини янги bosqichga кўтаришда муҳим дастуриямал бўлмоқда, — дейди Республика миллий гоя ва мафқура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов. — Унинг ижроси, натижадорлигини таъминлаш эса жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасига катта масъулият юқлайди. Шу нуқтаи назардан бугун маъруза ҳужжатининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш, унда кўзда тутилган устувор вазифалар ижроси тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлиги ва фаол иштирокини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Семинарда Ҳаракатлар стратегиясининг илмий-назарий асослари ҳамда устувор йўналишларига бағишланган маърузалар тингланди.

❖ Бухорода вилоят адлия, ички ишлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Сиз кунунинг биласизми?" кўрик-танловининг вилоят bosqichiga ўтказилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш, эркин фикрлаш қўбилияти ва нуқт маданиятини ўстириш, уларда фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган маъруза танловда 10 жамоа ўзаро баҳслашди.

Танлов шартларига кўра, жамоалар ўзлари таълим олаётган муассасада ёшларнинг билим олиши учун яратилган шароит, мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳаётий мисоллар асосида тушуниб бериш, Савол-жавоблар асосида уларнинг ҳуқуқий билими синовдан ўтказилди.

Қорақўл тумани сановат ва транспорт касб-хунар коллежининг "Либерал" жамоаси голиб деб топилди ва танловнинг мамлакат bosqichiga йўланма олди. Бухоро давлат тиббиёт институти ҳиқодидаги Ғиждувон академик лицейининг "Фемида", Бухоро нефть ва газ сановати коллежининг "Фидойилар" жамоаси иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

❖ Бахмал туманида "Дўст билан обод уйинг" мавзусида байналмилал дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Республика қирғиз миллий маданий маркази ҳамкорлигида ўтказилган фестивалда миллий маданий марказлар, турли миллат вакиллари иштирок этди. Президентимизнинг жорий йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча миллатларнинг тинч-осойишта, эмин-эркин яшashi ва ўз тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш, ривожлантириши ва келгуси авлодларга мерос қолдириши учун тенг шaroitлар яратилди, — дейди вилоят қирғиз миллий маданий маркази раҳбари Мамат Гўлбоев. — Ушбу фестивал ҳам давлатимиз томонидан ҳалқимиз фаровонлиги, ёшларимиз камолоти йўлида яратилган имкониятлардан барча бирдек баҳраманд эканини намойиш этди.

❖ Олтинсой туманида "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечим" мавзусида семинар ўтказилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази Сурхондарё вилояти бўлими ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тadbir Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тўғрисида"ги фармони ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди.

Туман ҳокимлиги масъул ходимлари, Маънавият тарғибот маркази вилоят, туман, шаҳар бўлимлари раҳбарлари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этган тadbirда мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, аҳоли, хусусан, ёш авлодини Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди.

Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан марказнинг туман бўлимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, Гўлобод маҳалласи кутубхонасига 100 дан ортиқ номдаги бадий, илмий-оммабоп китоблар, тарғибот материаллари топширилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

## Ёш тadbirkorга имтиёзли кредит берилади

Шаҳрисабздаги Оқсарой мажмуасини айланиб юрган сайёҳлар попоқчилик буюмлари дўкониди анча қолиб кетди. Сайёҳатчилар миллий нақшлар туширилган оёқ кийим, дўппи, нимча, ҳамён ва либосларни завқ билан томоҳа қилишди. Кўпчилиги сержилло нақшлар билан безатиладган буюмларни харид қилганидан мамнун...

Шаҳрисабз педагогика ва дизайн касб-хунар коллежидида таълим олган Мафтуна Курбонова қўлидаги миллий нақш билан жиловланган буюмлар нафақат Оқсаройда, балки Самарқанд, Бухоро, Хивадаги муқаддас қадамжоларда ҳам эътирофга сазовор бўлган. Мафтуна миллий каштачилик тури — попоқчиликни янада ривожлантириш мақсадида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган "Менинг бизнес гоғам" танловидида қатнашиб вилоят bosqichida голиб бўлди. У айни пайтда Бўстонлик туманидаги "Қамолот" ёшлар оромгоҳида ўтказилаётган ушбу кўрик-танловнинг якуний bosqichini иштирокчисиدير.

— Касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчилари

## Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу лойиҳа иштирокчилари сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда, — дейди "Қамолот" ЕИХ қошидаги республика ёшлар тadbirkorлигини қўллаб-қувватлаш маркази директори Феруз Абдуларов. — Танловнинг жорий йилги республика bosqichida 150 нафар ёш тadbirkor иштирок этди. Иштирокчилар ўз бизнес гоғларини тақдим этиши барobarida турли тadbir ва семинарларда қатнашиб, тadbirkorлик фаолияти бўйича билим ва кўникмасини бойитиш имконига эга бўлди.

Қатнашчилар 5 кун мобайнида тажрибали мутахассислардан тadbirkorлик фаолияти бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида атрофлича маълумот олди. Маҳорат дарслари ёш тadbirkorларнинг тажрибасини бойитишда асқотди.

— Болалигимдан гўзаллик шайдосиман. Хотин-қизлар ораста ва мафтункор юришини истаيمان. Шу боис, Қўргонтепа туманида гўзаллик салони

очишга қарор қилдим, — дейди Андижон давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқувчиси Ситорабону Мамадалиева. — Тенгдошларим билан фикр алмашдим, кўп нарса ўргандим. "Бизнес режа тузиш талаблари", "Кичик бизнесда бухгалтерия юришти асослари", "Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш", "Бозорни ўрганиш ва мақсудлаш", "Тижорат банкларининг кредит сиёсати", "Тadbirkorлик психологияси", "Бизнес режаларни тақдимот қилиш маҳорати" каби мавзуларда ўтказилган маҳорат дарслари менди катта таассурот қолдирди.

Ёш тadbirkorларнинг гуруҳдан чиқс ишлаб чиқариш, миллий хунармандлик маҳсулотлари тайёрлаш, терига қайта ишлов бериш, замонавийлик уйғунлашган миллий кашталар тўқиш каби бизнес лойиҳаларини ҳақамлар ҳайъати алоҳида эътироф эттиди.

Танловнинг республика bosqichiga голибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

Ҳасан МҮМИНОВ,  
"Ma'rifat" мухбири

## Проректорлар кенгаши ташкил этилди

Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, ақтидорли талабаларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб қилиш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Бу каби вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим муассасалари илмий ишлар бўйича проректорлари кенгаши ташкил этилди. Маъруза кенгаш таркибидида илмий-маърифий тадқиқотларни мувофиқлаштириш мақсадида бешта ишчи гуруҳ шакллантирилди. Биринчи ишчи гуруҳ талабаларда китобхонлик маданиятини ошириш, фан ва технологияларнинг илгор ютуқларини оммалаштириш, аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш асосида талабаларда маънавий-мафқуравий ҳавф ва таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантиришларини мувофиқлаштиришди. Бунда, аввало, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, таълим муассасаларини шу адабиётлар билан таъминлаш ишлари пухта ташкил этилишига эътибор қаратилди.

Иккинчи ишчи гуруҳ талабаларнинг илмий-маънавий маркази хизматларидан фойдаланувчиларга барча имкониятлар яратилишини назорат қилди. Учинчи ишчи гуруҳ илмий-амалий конференция, семинарлар ташкил этиш фаолиятини такомиллаштиришга эътибор қаратади. Тўртинчи ишчи гуруҳ махсус малака ошириш курсларини ташкил

қилиш билан шуғулланади. Бешинчи ишчи гуруҳ ўқув, илмий ва маънавий ресурсларни яратиш, ёшларнинг илмий-маърифий соҳадаги қизиқиши ва интилишларини ривожлантиришга қаратилган фаолиятни олиб боради. Жараёнда яратилаётган барча ресурслар таълим самарадорлигини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга миллий аңғана ва кадриятларимизни чуқур ўргатиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спорт турларини оммалаштиришга йўналтирилиши лозим.

Самарқанд давлат университетидида Олий таълим муассасалари илмий ишлар бўйича проректорлари кенгаши томонидан буюк аждодларимизнинг маънавий-маърифий меросини ўрганишга бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди. Тадбирда илм-фан ва таълим ўртасидаги инновацион-корпоратив ҳамкорлиқни кучайтириш ҳамда ўзлақизилгини таъминлаш зарурати тўғрисида фикрлар билдирилди. Семинар иштирокчилари илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш барча даврларда ҳалқимиз даҳосининг ўлмас тими соли сифатида намоён бўлиб келганини таъкидладилар.

Тадбирда ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, талабалар илмий-маърифий мактабланиши бўйича тақлифлар берилди. Шунингдек, кенгаш низоми ва иш режаларини шакллантириш юзасидан аниқ тақлиф ва мулоҳазалар баён қилинди.

Уйлаймизки, кенгаш фаолияти олий таълим муассасаларимизнинг халқаро майдонда рейтинг ортиши, рақобатбардош кадрлар тайёрланиши, олимларимиз томонидан бетақдор илмий мерос яратилишига олиб келади.

Барно АБДУЛЛАЕВА,  
Тошкент давлат педагогика университети  
илмий ишлар бўйича проректори

Ўқувчи-ёшларнинг экология ва табиатини асраш борасидаги билимларини ошириш таълимда ҳам давом эттирилмақда. Пойтахт туманидаги Шайхонтоҳур туманидаги 167-умумтаълим мактабидида таълимнинг энг завқли тadbirларидан бири "Табиатни асраймиз" шiori остида ўтказилди.

Оқ ранг поклик, мусаффолик рамзи. Табиат мусаффолигини сақлаш мақсадида тadbir иштирокчилари — мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари оппоқ рангга бурқаниб, оғна табиат, ҳайвонот ва наботот олами ҳақидаги билимларини намоён этдилар. Шейр айтиб, кўшиқ қуйладилар, рақс

## Табиатни асрайлик!



га тушиб завқландилар. 2-синф раҳбари Нигора Маҳомудова бошчилигида ўқувчилар табиат ва унинг неъматларини асраш, экология мусаффолигига ҳисса қўшиш бўйича яратган

ижод намуналари — тасвирий санъат асарлари, кераксиз маҳсулотлардан ясалган ўйинчоқларни йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Сарвиноз АҲМЕДОВА

2017-yil 7-iyun, № 45 (9006)

# Нострификациялашдаги янгиликлар

Мамлакатимизда хорижий давлатларнинг олиё таълим муассасаларида тахсил олган мутахассисларнинг ишга жойлашишида муайян тартиб ва қоидалар белгиланган. Жумладан, яқинда хорижий давлатларнинг таълим ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш тизимига қўшимча янги меъёрлар киритилгани бу борадаги ишларни такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мухбиримиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бўлими бошлиғи Низомида Эшонқулובה мазкур янгиликлар ҳусусида бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Мамлакатимизда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш тартибига киритилган ўзгариш ва янгиликлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— 2017 йил 3 апрелда “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан амалдаги низомига 7-бандига бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) куйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) амалга оширилади:

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан уюртимиз ҳудудида фаолият юритишига рухсат этилган хорижий давлатларнинг олиё таълим муассасаларида таълим олган;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан уюртимиз ҳудудида фаолият юритишига рухсат этилган хорижий давлатларнинг олиё таълим муассасаларида таълим олган;

— мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган

квоталар (грантлар)га мувофиқ тасарруфида олиё таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг йўлнамалари асосида таълим олган;

— халқаро тан олинган ташкilotларнинг олиё таълим муассасалари рейтингига биринчи 500 талик рўйхатига киритилган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест марказининг қўшма қарори билан ҳар йили рўйхати тасдиқланган таълим муассасаларида таълим олган битирувчиларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари.

Шунингдек, низомида белгиланганидек, халқаро тан олинган ташкilotларнинг олиё таълим муассасалари рейтингига биринчи 500 талик рўйхатига киритилган олиё таълим муассасалари рўйхатини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат тест маркази қўшма қарор билан тасдиқлаши белгиланган.

Низомига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз ёшларининг хорижий давлатларнинг илғор, дунёда тан олинган таълим муассасаларида билим олишини рағбатлантириш учун халқаро тан олинган ташкilotларнинг олиё таълим муассасалари рейтингига биринчи 500 талик рўйхатига кирган олиё таълим муассасалари таркиби Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат тест марказининг 2017 йил 12 апрелдаги қўшма қарори билан тасдиқланди. Ушбу рўйхат 14 апрель куни Давлат тест марказининг dtm.uz расмий веб-сайтнинг “янгиликлар” саҳифасига жойлаштирилган.

— Айни пайтда, айрим сабабларга кўра, баъзи юртдошларимизнинг ўғил-қизла-

ри хориждаги мактабларда ўқияпти. Уларнинг ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари қай тартибда нострификация қилинади?

— Амалдаги низомига мувофиқ, хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаларида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан хорижий давлатларнинг ўрта таълим муассасаларида 10, 11, 12 ва ундан юқори синфларда таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари таълим олганлик тўғрисидаги баҳолаб табели (маълумотнома) ёки шаходатномага асосан тан олинади ҳамда нострификациялаш бўйича тегишли хулоса қабул қилинади. Бу жараёнда 10— ва 11-синф битирувчисининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар тегишли равишда академик лицейнинг 1— ва 2-босқичини тугатган ўқувчининг маълумоти ҳамда 12 ва ундан юқори синф битирувчисининг ҳужжатлари ўрта махсус маълумотга тенглаштирилади.

Хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим ва тўлиқ ўрта (тўлиқсиз ўрта, ўрта) маълумот тўғрисидаги ҳужжатларини нострификациялаш ариза ва маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, унинг нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси асосида мурожаат қилинган кундан бошлаб энг кўпи билан икки ҳафтада тегишли комиссиялар томонидан амалга оширилади.

“Ma'rifat” мухбири  
Курбонбой  
МАТКУРБОНОВ  
суҳбатлашди.

Хорижий давлатларнинг олиё таълим муассасаларида тахсил олган муштарийларимиз ҳам нострификациялашга доир бир қанча саволлар билан мурожаат этган. Қуйида саволларга Давлат тест маркази мутахассисининг жавоблари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

— Украинадаги Киев миллий авиация университети дипломи ҳам махсус синовларсиз, тўғридан-тўғри нострификация қилинадими?

Л.Йўлдошев,  
Тошкент вилояти

— Киев миллий авиация университети халқаро тан олинган ташкilotларнинг олиё таълим муассасалари рейтингига биринчи 500 талик рўйхатига кирмаган. Шу сабабли мазкур таълим муассасаси томонидан берилган таълим ҳужжати тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) нострификацияланмайди.

— Москва тadbirkorлик ва ҳуқуқ институтини тугатганман. Мазкур олиё таълим муассасаси томонидан берилган диплом нострификация қилинадими ёки тест синовларидан ўтиш талаб этиладими?

Ж.Искандаров,  
Самарқанд вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Давлат тест марказига расман тақдим этилган Россия Федерациясида аккредитациядан ўтган давлат ва нодавлат олиё ўқув юртлари рўйхатида Москва тadbirkorлик ва ҳуқуқ институти нодавлат таълим муассасаси сифатида қайд этилган.

Москва тadbirkorлик ва ҳуқуқ институти томонидан берилган дипломи тан олиш ва нострификациялаш “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низоми” талабларига мувофиқ ўрганиб чиқилади. Бунда дипломи тан олиш ва нострификациялаш учун ўрнатилган тартибда Давлат тест марказига ариза билан мурожаат этиш лозим. Шундан сўнг тегишли соҳа эксперт комиссияси дипломи махсус экспертизадан ўтказиб, нострификация тавсия этиш ёки рад этиш тўғрисида хулосасини Давлат тест марказига тақдим қилади.

## Фаолият янада такомиллаштирилади

Усб келатган ёш авлодининг ижодий қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш, бундан вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларга меҳнатсеварликни ўргатиш, қизиқишлари бўйича касб-хунарнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли ҳамда 2011 йил 11 майдаги “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги 130-сонли қарорлари қабул қилинган бўлиб, республикамизда 211 та “Баркамол авлод” болалар маркази фаолиятини йўлга қўйилди.

3 та (бадий, техник ижодиёт, ўлкашунослик ва экология) йўналишида 5 118 та тўғарақ иш олиб бормоқда. Уларга 125 771 нафар ўқувчи жалб қилинган. Ҳукуматимиз томонидан таълим-тарбия ишларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги натижасида мактабдан ташқари таълим муассасалари моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Ўқувчиларга баркамол шахс сифатида шаклланиши учун етарлича шароит яратилаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017—

2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида” 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон қарори) 275-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини янада ривожлантиришга замин яратади.

Ушбу қарорга мувофиқ, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан бирга, имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг профилактик хисобига олинган ўқувчилар “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганликлари учун отаналар тўловидан озод қилинади.

Эслатма сифатида “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиган-



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

лик учун ота-оналардан олинган тўловлар ойига энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ва Хоразм вилояти Урганч шаҳарларида 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қолган туман (шаҳар)ларида 2,5 фоиз, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида 10 фоиз, республикамизнинг қолган туман (шаҳар)ларида 5 фоиз миқдорида ундирилиши белгиланган.

Шунингдек, олдинги қарорларда ота-оналар тўловидан тушган маблағлар ҳисобидан фақат тўғарақларга хомашё харид қилиш мумкин эди. Мазкур қарорга мувофиқ, энди ушбу маблағлар ҳисобидан тўғарақ фаолияти учун зарурий хомашё ва материаллар, мебель, асбоб-ускуна ва жиҳозлар, компьютер техникалари харид қилиш, маданий-оммавий тadbirkorлик ўтказиш ва уларда қатнашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танлов ва фестивалларда голиб

ва совриндор бўлган ўқувчиларнинг мураббийларини моддий рағбатлантириш назарда тутилган. Бундан ташқари, қарор қабул қилинган даврга қадар “Баркамол авлод” болалар марказларига 16 ёшгача бўлган ўқувчилар қабул қилинган бўлса, эндиликда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 18 ёшгача бўлган ўқувчилари ҳам муассасада касб-хунар сирларини ўрганишлари мумкин.

Энг қувонарлиси, ушбу қарорда ёшлар туризмига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хар бир вилоят марказида ўқувчи-ёшлар учун ўлка тарихини ўрганиш мақсадида “Ёш сайёҳлик” базаларини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу эса ўқувчиларнинг юртимиздаги бой маданий мерос объектларини ўрганиши учун имконият яратди.

Баҳром АМИНОВ,  
Халқ таълими вазирлигининг  
“Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудири



## "Алломиш"га марҳамат!


Ўқув йили якунига етди. Ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунлари бошланди. Бу даврнинг қанчалик мазмунли, таассуротларга бой ўтиши кўп жиҳатдан мутасаддиларга боғлиқ.

Самарқанд шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли «Алломиш» болалар оромгоҳи мавсумга шай. Оромгоҳда режага мувофиқ уч даврада 660 нафар бола соғломлаштирилди кўзда тутилган. Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг тегишли қарорига мувофиқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Оромгоҳда ишлайдиган тарбиячи, етакчи ва бошқа мутахассислар сараланиб, уларнинг рўйхати шакллантирилди. Таълим, санъат, спорт ва 12 турдаги бошқа тўғараклар доимий фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Тўғарак раҳбарлари умумтаълим мактаблари ҳамда шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг тажрибали мутахассисларидан саралаб олинди. Чет тили тўғариги машғулотларининг малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилиши мўлжалланмоқда.

Оромгоҳда «Саломатлик кунини», «Спорт-соғломлаштириш кунини», «Китоблар тақдироти кунини», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камал» болалар ташкилоти кунини», «Маънавият ва маърифат кунини», «Хужжатли фильмлар тақдироти кунини», «Вояга етмагачлар манфаатларини ҳимоя қилиш кунини», шунингдек, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қизиқарли тадбирлар режаси тузилган.

Оромгоҳни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзлуксиз таъминлаш бўйича савдо-тижорат муассасалари, фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

«Алломиш» оромгоҳининг ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилиши бу ерга



қадам ранжида этган кишининг кайфиятини кўтарди. Оромгоҳ ҳудудидаги тегишли майдонларга 10 минг дона райхон ва 5 мингта манзарали гул кўчатлари ландшафт дизайни асосида ўтказилди. 40 дона гултувакка ўтказилган хонаки гул бу ерда экологик муҳитни яхшилаш омилidir. Гулхоналар тунда ўзгача жилоланиши учун ранг-баранг ёритиш мосламалари ўрнатилди. Дарахтларга шакл берилиб, ҳудуд бегона ўтлардан тозаланди. Миллий эртак қаҳрамонлари ва қушлар макети масканга ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Оромгоҳ табиёт хонаси шаҳар 1-болалар шифохонаси кўмагида табиёт жиҳозлари ва зарур дори-дармонлар билан таъминланди. Мавжуд 6 та ётоқхона тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, кутубхона 500 дан зиёд бадий китоб, Президент асарлари, турли газета ва журналлар билан бойитилди. Спорт майдончаси, чўмилиш ҳавзаси дам олувчиларни кутмоқда.

— Самарқанд шаҳрида 8 та — 1-, 9-, 31-, 42-, 51-, 55-, 59—ҳамда 63-умумтаълим мактабларида кундузги оромгоҳлар ташкил этилади, — дейди шаҳар ХТМФМТГЭБ маънавий-ахлоқий тарбия шўъбаси мутахассиси Баҳром Маҳматуллоев. — Ёзги мавсумда уларга 2 минг 900 нафар ўқувчини қамраб олиш режалаштирилган. Шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази тўғараклар фаолиятини самарали ташкил этишга бош-қош бўлади.

«Алломиш» оромгоҳига дам олиш учун йўлланма расмийлаштираётган болажонлар асло афсусланишмайди.

**Ҳаким ЖўРАЕВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

Ташаббускор, ижодкор, фидойи, таълим-тарбия жараёнида илгор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиб, ижобий натижаларга эришяётган ўқитувчиларни аниқлаб берувчи «Энг яхши дарс ишланмаси» кўрик-танлови низоҳисига етди. Халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган умумтаълим муассасалари, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар (мактаблар), ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари (мактаб-интернатлар), «Меҳрибонлик уйлари» педагог ходимлари ўртасида икки босқичда ўтказилган танлов Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти ([uzedu.uz](http://uzedu.uz))да очилган махсус веб-саҳифа ([tanlov.uzedu.uz](http://tanlov.uzedu.uz)) ва ахборот-таълим портали орқали ташкил этилди.

## Энг яхши дарс ишланмалари аниқланди

Иштирокчилар умумтаълим мактабларининг ўқув режасидаги барча фанлар бўйича ўз ижодкорлигини намойиш этишди.

— Дарс ишланмаларини кўриб чиқиш, ҳолис ва адолатли баҳолаш учун 15 апрелга қадар ҳар бир фан бўйича тажрибали педагоглар, фан методистлари, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан иборат ҳудудий ҳакамлар хайъати таркиби тузилди, — дейди Навоий вилояти халқ таълими бошқармасининг методика маркази раҳбари, ҳакамлар хайъати раиси Мадина Отаниёзова. — Уларга жараёни онлайн баҳолаб бориши учун Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан логин-пароль берилди. Мазкур логин-пароль орқали фақат ўз ҳудудлари бўйича танловга келиб тушган дарс ишланмаларини кўриш учун кириш, баҳолаш ва чиқиш им-

кониятига эга бўлишди. Вилоятимиздан ушбу танловда 2073 нафар ўқитувчи иштирок этди. АКТдан самарали фойдаланган ҳолда, методик жиҳатдан мукамал дарс ишланма яратган 96 та муаллиф иши 1—5 ўринларга лойиқ топилди. Танловнинг республика босқичида эса ушбу даъвогарларнинг 6 нафари голибликни қўлга киритди.

Танловнинг иккинчи босқичида ҳолислик ва адолатли таъминлаш мақсадида ҳудудий ҳакамлар хайъатига бошқа ҳудудлардан келиб тушган дарс ишланмаларини баҳолаш вазифаси юкланди.

— Иккинчи босқичда ҳар бир ҳудудий ҳакам томонидан дарс ишланмага кўйилган баллар дастур ёрдамида автоматик равишда умумлаштирилиб, ўртача балл чиқарилди, — дейди Республика таълим маркази методисти Қимматхон Маматуллоева. — Бунда иккинчи босқичнинг умумий ўртача бали қолган 13 та ҳудудий ҳакамлар томонидан кўйилган баллар асосида чиқарилди.

Иккинчи босқич натижаларига кўра, 19 та умумтаълим фани бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Андижон вилоятидан 3 тадан, Бухоро вилоятидан 20 та, Жиззах ва Навоий вилоятидан 6 тадан, Наманган, Хоразм, Қашқадарё вилоятидан 1 тадан, Сурхондарё, Тошкент вилоятидан 4 тадан, Тошкент шаҳридан 13 та дарс ишланма, жами 65 нафар голиб аниқланди.

— Ҳар бир ўқитувчи дарс шакли ва турини мақсадга мувофиқ танлаб, мантиқий изчилликка асосланган ишланма яратса, методик жиҳатдан мукамалликка эришади, — дейди Бухоро шаҳридаги 13-мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси, танлов голиби Орзигул Беганчова. — Ўтган йили 2-ўринни қўлга киритгандим. Бу йил аввалги камчиликларимни тўғрилаб, дарс ишланмасидаги тушунчаларнинг, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникама, малака, компетенцияларнинг маълумотларининг янгилиги ва долзарблигини эътиборга олиб, илгор педагогик технология ва методлардан ўринли фойдаланишга ҳаракат қилдим. Дарс босқичларида кўргазмали воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларига кенг мурожаат этдим.

Танловда фанлар бўйича голиб бўлган муаллифлар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг дарс ишланмалари Халқ таълими вазирлигининг [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) расмий веб-сайти ва [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz) ахборот-таълим порталига жойлаштирилди. Изланувчан педагоглар мазкур манбалардан фаолиятида самарали фойдаланса, тажрибасини бойитса, танлов мақсадига эришилган саналади.

**Насиба ЭРХОНОВА,**  
«Ma'rifat» муҳбири

## «Арра» усули

ақлни чархлаб, хотирани мустақкамлайди

Ўқувчи мавзуларни яхши ўзлаштириши учун, аввало, фанга қизиқиши керак. Уғил-қизлар қалбида фанга қизиқиш уйғотиш эса ўқитувчидан катта меҳнат, ўз устида тинимсиз ишлаш ва ижодий изланиш талаб этади. Мен фаолиятимга ана шундай талаб билан ёнашиб, дарсларни ноанъанавий усулларда ташкил этишга ҳаракат қиламан. Жумладан, компьютер ва дастурий инжиниринг йўналиши 1-босқич ўқувчиларига дарсга кирганимда «Антропологияни ҳаракатлантирувчи омиллар. Одам эволюциясининг асосий йўналишлари» мавзусидаги дарсда «Арра» усулини қўлладим. Натижада гуруҳдаги 27 ўқувчининг 22 нафари машғулотда фаол иштирок этди.

Дарснинг ташкилий қисмидан сўнг ўқувчиларни 5-6 нафардан 5 гуруҳга ажратдим. Усулнинг талабидан келиб чиқиб, мавзу доирасидаги саволларга ўқувчилар ўзлари эгаллаган билим даражасида «арра» тишлари кетма-кет келганидек навбат билан жавоб беришади. Унинг фикрини кейинги ўқувчи тўлдириб, галдаги ўртоғига навбат беради. Шу тариқа болалар бир-бирига ўргатиб, ўрганиб боради. Бунда ўқувчиларнинг мавзунинг пухта ўзлаштирилиши, гуруҳдошининг ахборотини диққат билан тинглаб, сўнг фикр юритиши

ва керакли маълумотларни дафтарга ёзиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Дарс давомида ўқитувчи мустақил ишлашга йўналтириб туривчи вазифасини бажаради. Машғулотда ўқувчиларнинг топшириқни шериклари билан ҳамкорликда бажариши, гуруҳ аъзоларининг фаоллиги, мулоқот маданиятига алоҳида эътибор қаратилади.

Дарснинг жиҳози сифатида одамнинг пайдо бўлиши тасвирланган плакатлар, одам аждодлари тасвирланган жадвал, ижтимоий ҳамият шакланмаган давр ва ҳозирги кун одамларининг ўзига хос хусусиятлари тасвирланган Венн диаграммаси, ўтилган мавзу юзасидан жадваллар ва саволли карточкалардан фойдаландим.


Ўқитувчи машғулотга тайёргарлик жараёнида ўқувчилар бажариши лозим бўлган вазифаларни жадвал асосида тузиб чиқгани маъқул. Бунда топшириқнинг аниқ дидактик мақсади инобатга олинishi керак. Шу нуқтаи назардан гуруҳларга қуйидагича топшириқларни жадваллаштириб эканман, саволларга жавоб бериш жараёнида ўқувчилар одам ва ҳайвон гавада тузилишидаги ўхшашлик ва

фарқлар, рудимент органлар ва атавизм ҳодисаси, одам ва ҳайвон эмбриони ривожланишидаги ўхшашликлар, одам ва маймунлар гавада тузилишининг ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганиб боришини назарда тутдим.

Машғулот сўнггида ўқувчилар билимини текшириб кўриш учун ўрганилган материал бўйича тест саволлари асосида қуйидаги тарзда сўровнома ўтказдим.

Т/р	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материали юзасидан топшириқлар	Топшириқларни бажариш бўйича курсатмалар	Изоҳ
1.	Одам билан ҳайвонларнинг гавада тузилишида қандай ўхшашлик ва фарқлар мавжуд?		
2.	Рудимент органларга таъриф беринг.		
3.	Атавизм ҳодисасига таъриф беринг.		

- Одам эволюциясининг дастлабки босқичида муҳим роль ўйнаган биологик омилларни аниқланг:
  - Сунъий танлаш, яшаш учун кураш, ташқи муҳит;
  - Ирсий ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш, табиий танланиш;
  - Табиий танланиш, ирсий ўзга-



рувчанлик, ирсий бўлмаган ўзгарувчанлик;

Е) Яшаш учун кураш, модификацион ўзгарувчанлик, мутацион ўзгарувчанлик.

Натижаларга кўра, ўқувчилар одам билан ҳайвоннинг гавада тузилишида қандай ўхшашлик ва фарқлар борлиги, рудимент органлар ва атавизм ҳодисаларининг мазмун-моҳияти, одам билан ҳайвоннинг эмбрионал ривожланишидаги ўхшашликлар, одам ва одамсимон маймунларнинг гавада

тузилишидаги ўхшашлик ва фарқлар, одам аждодлари қайси эра ва даврда пайдо бўлгани хусусида атрофлича тушунча ва билимга эга бўлди.  
**Фаррух АСАДОВ,**  
Кўшработ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биология фани ўқитувчиси

2017-yil 7-iyun, № 45 (9006)

# Шароф отанинг боғлари

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг юртимиз раънақи, истиқболи, бахт-саодати йўлида эзгу ишларни амалга ошириб, халқни ҳурмат-эътиборини қозонган атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори улғу инсон номи ва хотирасини абадийлаштириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган кўйидаги хотира Шароф Рашидовнинг халқ раънақи ва фаровонлиги йўлида амалга оширган савобли ишларидан бири ҳақида.*

...Кечагидек эсимда. 1967 йилнинг баҳори охирида қолаётган кезлар эди.

Косон туманида жойлашган (кейинчалик туман худудининг бир қисми Касби туманига ўтказилди) Д.Менделеев номидаги ўрта мактабнинг аълочи, фаол ўқувчиларидан бири бўлганлигим боис, 8-синфдалигимда мактабнинг ёшлар ташкилотига биринчи котиб бўлиб сайландим ва кўлимга етуқлик аттестати олганимга қадар шу ташкилотни бошқардим. Шундай кунларнинг бирида: "Республикамизнинг биринчи раҳбари Шароф Рашидов мактабимизга келармиш", деган гап тарқалди. Бу гапга биров ишонди, биров ажабланиб, елкасини қисиб қўя қолди. Орадан икки-уч кун ўтганидан сўнг мактабимиз директори Турди Эргашев ўқитувчилар, ёшлар фаолларини йиғиб, мажлис ўтказди ва ўша гап рост бўлиб чиқди. Тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Дастлаб мактабнинг ён-атрофи чиқиндилардан тозаланди, йўллар тартибга солинди. Кейин мактаб биноси, ҳовлисидаги дарахларнинг танаси оқланди. Саранжом-саришталек, тозаозодалиқдан ўзимизнинг ҳам баҳри-диллигим очилиб, кайфиятимиз тоғдек кўтарилди.

Орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. Каттаю кичик бирдек ҳаяжонда. Мактаб ўқитув-

чи ва ўқувчилари, қизлар кўлида атиргул билан эрталабданоқ, спорт майдончасида саф тортдик. Кимдир: "Ана, ана, келишпти!" деди. Катта йўл ёқасига енгил машиналар келиб тўхтади ва ундан костюм-шимда, бўйинбоғ таққан кишилар тушди. Меҳмонлар йўл ёқалаб, мактабимизга қараб юрди. Улар биз томон яқин келиб қолган, сафнинг олдида баланд бўйли, тўлароқдан келгани икки ёнидаги (кўринишидан раҳбар лавозимида бўлса керак) кишилар билан суҳбатлашиб келарди. Ўқитувчиларимиз Шароф Рашидовга ҳамроҳлардан бири вилотиимизнинг ўша йиллардаги биринчи раҳбари Салоҳиддин Асосов, яна бири эса туманнинг биринчи раҳбари Жалил Ҳаққулов эканини айтди. Шароф Рашидов ўшанда похал шляпада, эгнида сут рангли кўйлак — олд ёқасидан пастигача ҳошияли ипак билан тикланган, бундай русумдаги кўйлақлар ўша пайтлари "украинча" деб аталарди. Улар биз саф тортти турган майдонча томон кели бошлади. Ҳаяжонимиз янаям ортди. Мактаб директори Шароф акага пешвоз чиқиб, ўзини таништириб, ҳолаҳвал сўради.

Шароф ака сафга бир қур назар ташлаб, юзига майин табассум югурди (ажаб эмас, шу дамда ёшлик йиллари ёдига тушгандир). Биз у кишини шундоқкина ақиндан кўриб турардик: фариштали одам экан, юзидан нур балқирди. Саф бошида турган ўқувчилар билан бирма-бир кўл бериб кўришди, мен ҳам шу сафда эдим. Директоримиз: "Бу йиғитча мактабимиз ёшларининг сардори", деб таништирди мени. Шароф ака ўқишларимиз ҳақида сўраб, шарт-шароитлар билан қизикди. Биз эса ҳаммаси жойида эканини айтиб, доимо "яхши" ва "аъло" баҳоларда ўқишга ваъда бердик. Шароф Рашидов биз билан хайрлашар экан, ўқишларимизга муваффақият тилаб, ҳамроҳ-

лари билан катта йўл ёқалаб, давом этди. Биз эса уларнинг ортидан анча юриб, кузатиб кўйдик.

Катта йўлнинг бир томони Косон туманидан бошланади, сўнг бизнинг Қатағон қишлоғимизнинг ўртасидан ўтиб, чап тарафдаги Касби қишлоғига, бир томони эса Майманоқ қишлоғига бориб тутади. Мана шу катта йўлнинг иккига ажралиш жойида бепоян дараларга туташиб кетган катта ер майдони бор эди. Шароф Рашидов келиши муносабати билан қишлоқ аҳли дарахлар салқинга стол қўйиб, камтарона дастурхон тузаган экан. Республика раҳбари шу ерда Қашқадарё вилоти ва туманлари раҳбарлари билан суҳбатлашиб, уларга тегишли маслаҳатлар берибди.

Эртасига мактабга боргач, кеча бўлиб ўтган анча-мунча қизик воқеалар ҳақида директоримиздан эшитдик. Ўқитувчи ва мактаб ёшлари фаолларини йиғиб мажлис ўтказди. "Уша катта йўл ёқасидаги ўзлаштирилмаган анча ер борку, — дея гап бошлади директор. — Ана шу жойда қишлоғимиз аҳли ўзлари етиштирган бодом, ёнғоқ, ўрик, майиз ва бошқа мевалардан дастурхонга қўйишган экан. Шароф Рашидов ликопчаларга қўйилган бодомни кўриб, улардан татиб кўрди. Мазаси ёқиб қолди, шекилли, бу бодомларнинг қаерда етиштирилгани билан қизикди. Улар шу қишлоқ боғларида етиштирилганини айтди. Шароф ака дастурхондаги йирик, юмшоқ бодомлар ўзининг мазаси билан бошқа ўқудлардаги бодомлардан фарқ қилиши ҳақида айтди. Меҳмонлар орасида Шредер номидаги илмий текшириш институти директори Махмуд ака Мирзаев ҳам бор эди. "Мана бу бодомлардан бир татиб кўринг, мазаси озгингизда қолади, — деди Шароф ака унга. — Бу ерда бодомнинг биз билмаган навлари ҳам бор экан". Сўнгра бу ерда илмий-текшириш инсти-

тутининг филиалини очиб ҳақидаги тақлифини айтди...".

Уша воқеадан кейин кўп ўтмай, Махмуд Мирзаев бошчилигида институтнинг бир ғуруҳ мутахассислари Қатағон қишлоғи этагидан юз гектарлик жойни ўзлаштиришга киришди. Биз ўқувчилар, қолаверса, қишлоқ аҳли бир ёқадан бош чиқариб, енг шимардик. Оғир чўл шароитида янги ерлар очиб, уни ўзлаштиришнинг ўзи бўлмади. Кечани кеча, кундузни кундуз демай, элнинг ёшу кексалари тер тўкиб, меҳнат қилди. Ер экишга тайёр бўлгач, институт боғида етиштирилган минглаб хилма-хил меваги дарахлар, ток қаламчалари, бодом, гилос, олча, нок, олма, қўйинги, барча мева кўчатларидан олиб келиниб, янги очилган бўз ерларга экилди. Албатта, бу ишга мактабимиз директори Турди Эргашев бошчилигидаги бутун мактаб жамоаси, айниқса, ўқувчиларнинг меҳнати ҳам сингди. Уша пайтдаги "Москва" совхозининг директори Қодир ака Ниёзқулов, бўлим бошлиғи Орлик Сатторов, бош ҳисобчи Жўра Жомуродов, хўжалик фаолларидан Абдурауф Шарипов, Махмуд Юсупов, Раҳмат Юсупов, Навшан Тўхтамишев, Чори Жўраев, Навшан Яхшибоев ана шундай улғу ишга, халқ ҳашарига бош-қош бўлиб, ҳисса қўшди. Машаққатли меҳнатдан кейин, жуда катта майдонда Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг Қашқадарё филиали (боғ) ташкил этилди.

Икки йил ўтиб бу боғ илк нишонасини берди. Бундан ҳамма мамнун эди. Уша йили 33 нафар ўқувчи мактабни битириб, ўқишга кириш мақсадида республикамизнинг турли шаҳарларига жўнаб кетдик ва синфдошларимнинг қарий ҳаммаси олий ўқув юрти, техникум талабаларига айланди. Улар қатори мен ҳам Тошкент тиббиёт институти талабаси бўлдим.

## Yaxshilar yodi

Биринчи курсни тугатиб, ёзги таътилда қишлоққа келганимда, дўстларим билан боғни (уни қишлоқдошларимиз Шароф Рашидов боғи деб ҳам аташди) айландик. Боғ ниҳоятда кўркам хунсга кирибди. Кўриб кўзингиз қувнайди. Қишлоғимиз аҳли бу боғда сайр қилади, кўкка ўрлаган дарахларнинг соя-салқинида ўтириб, ёшу қари мириқиб суҳбат қуради. Боғ ҳақида фахрланиб гапиришади. Аҳойиб, бағрикенг инсон, моҳир ташкилотчи Шароф Рашидов билан бўлган ўша тарихий учрашув, у кишининг ташаббуслари билан ташкил этилган боғ, ўша учрашувни бот-бот эслашади. Шароф аканинг мактабимизга келгани, улар билан кўришиб, бир лаҳзагина суҳбатлашганимиз ҳам ёдимиздан чиқмайди.

Мана, ўша боғ қарийб эллик баҳорни қаршилади. Ҳозир боғ бўйига ва энга кенгайиб кетган. Унинг ўртасида дам олиш маскани — санаторий қурилган. Ён-атрофдаги қишлоқ аҳолиси санаторийга келиб дам олиб, даволанади.

Касбига — она қишлоғим Қатағонга борганимда, боғ ёнидан ўтаётди, хув ўша йилларнинг тафтини сезгандай бўламан. Аҳойиб хотиралар фариҳ хайлимни ўғирлаб, бетакрор ва беташвиш болалик йилларимни эсга солади. Ана шунда бу боғни ташкил этишда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигиндан ғурурланиб кетаман.

Яхшидан боғ қолади, деган нақл бор. Бугун орамизда Шароф ака йўқ, аммо унинг ташаббуси билан Касбида яратилган боғ гуллаб-яшнаб, ўзининг ширин-шакар мевалари билан минглаб одамни баҳраманд қилмоқда...

**Абдурашид МАҲМАТОВ,**  
тиббиёт фанлари  
номзоди

## Яхшиликнинг йўли узун

*Президентимизнинг шу йил 27 мартдаги "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори халқимиз дилаидаги гап бўлди. Зеро, бу беназир давлат арбобининг ҳаёти, у босиб ўтган шарафли йўл ҳақидаги маълумотлар билан кенг жамоатчилигим, айниқса, ёшларни яқиндан таништириш муҳим аҳамият касб этади. П.Бердибеков ҳамда Ф.Қодиров ҳаммуаллифликда Шароф Рашидовнинг сиёсий арбоб сифатидаги фаолияти хусусида атрофлича тўхталиб ўтилган. Жумладан, адибнинг турли лавозимларида фаолият кўрсатгани, ўз вазифасига ҳамisha юксак масъулият билан ёндашиб, эл-юртда иззат-ҳурмат топгани ҳаётини лавҳалар асосида ёритилган.*

Серкирра ижодкор, беназир давлат арбоби Шароф Рашидовнинг сай-ҳаракатлари билан Ўзбекистон жаҳоннинг 117 давлати билан халқаро, маданий алоқалар ўрнатгани, адабиёт, санъат, фан, таълим, туризм, спорт соҳаларида кенг қамровли ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилгани, кўплаб декадалар, ҳафталиклар, маданият кунлари айнан бизнинг юртимизда ташкил этилган фикримиз далилидир. Масалан, Қозғистон, Польша, Болгария, Венгрия, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Сурия, Ироқ ва бошқа давлатлар билан ўзaro яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани фанда янги соҳаларнинг кашф этилишига замин яратди. Жумладан, республикамиз Фанлар академияси қошида биоорга-ник кимё, полимерлар физикаси ва кимёси институти очилиб, "Кўёш" илмий мажмуига пойдевор қўйилди. Энергетика, кимё, қосмик тадқиқотлар, математика, физика фанлари кенг кўламли ривожланди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ президен-

ти, академик Обид Содиқов таъбири билан айтганда, Шароф Рашидов жуда эътиборли, талабчан раҳбар, йирик давлат ва жамоат арбоби, фанимиз жонқуяри эди. У ўз даврида Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожига раҳбарлик қилди. Жумладан, ўша йиллари Фанлар академияси қошида иттифоқдош республикаларнинг Фанлар академиялари илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилгани илм-фан фидойилари учун қувонарли воқеа бўлган эди. Мамлакатимизда табиий фанларнинг айрим соҳаларидаги илмий мактаблар муносиб равишда эътирофга сазовор бўлди. Ўзбекистон олимларининг математика, статистика, физикавий электроника, ядро физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, механика, сейсмология соҳасидаги илмий тадқиқотлари жаҳон эътирофига сазовор бўлди. Биоорганик кимё, алкалоидлар ва полимерлар кимёси, активация анализи, ярим ўтказгич материаллардаги физик жараёнлар, юксак молекулали ва табиий бирикмалар, тирик матери-янинг кимёвий тузилиши ва хоссалари соҳасида муҳим изланишлар олиб берилди.

Фанлар академияси томонидан илмий тадқиқотларни автоматлаштириш масаласига ҳам бирламчи вазифа сифатида қаралди. Шу мақсадда яратилган замонавий автоматик бошқар-иш системаси олимларнинг меҳнат унумдорлигини кескин оширар, барча

ўлчовларнинг тезкорлиги ортиб, баъзан гоёт мураккаб дастур бўйича берилган топшириқ натижалари шу захотиёқ қайта ишланиши тасдиқланган эди. Айни пайтда биотехнология соҳасидаги ишларда назарий тадқиқотлардан ташқари, биологик усуллари технология жараёнларга татбиқ этиш борасида ҳам жиддий изланишлар олиб борилди. Биологик технологиянинг қўлами кенг бўлиб, у турли кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан тортиб бактериялар ёрдамида рудалардан металл ажратиб олишгача бўлган жараёнларда қўлланоқда. Мамлакатимиз учун биотехнологиянинг аҳамиятли томонларидан яна бири шунки, унинг воситасида доривор моддалар, озик-овқат маҳсулотлари олинди. Учинчи йўналиш — ҳисоблаш техникаси соҳасида, микро ва миниелектрон машиналарни яратиш ҳамда улардан фойдаланишни юқори поғонага кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди.

"Ўзбекистонда таълим ва фан тарқиқоти оид илмий назарий қарашлар" номли мақолалар тўпламини мутолаа қилган китобхон кўз ёнгида Шароф Рашидовдек юртимиз асл фарзандининг ўчмас сиймоси янада ёрқинроқ гавдаланиши шубҳасиз. Зеро, Ватан ва халқ манфаати йўлида қилган меҳнат, албатта, қадрланади. Донишмандлар айтганидек, яхшиликнинг йўли узун.

**Хайрулла ИНАТОВ,**  
Жиззах вилояти ХТҚҚТМОИ  
доценти,  
педагогика фанлари номзоди

# Ёз – соз ўтсин!

## Мактабгача таълим муассасаларида ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича методик тавсия

**Мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, ёзги мавсумда уларнинг соғлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш, тўғри ва хавфсиз овқатланишини таъминлаш, мавсумий чиниқтириш ишларини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор бериш зарур. Ёзги соғломлаштириш даври мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғломлаштириш ва чиниқтиришнинг энг қулай давридир. Чунки ёз фаслида болаларнинг очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилиши ва фаол ҳаракатда бўлиши учун қулай шароит юзага келади.**

Шу сабаб мактабгача таълим муассасасининг ёзги соғломлаштириш мавсумида амалга оширадиган ташкилий, методик, соғломлаштириш ҳамда назоратга доир чора-тадбирлар режаси педагогик кенгашда тасдиқланиши шарт. Мавсум бошида барча педагог ходимлар "Болалар хавфсизлиги ва соғлигини муҳофаза қилиш" йўриқномаси билан таништирилади ҳамда муассасанинг методист, ҳамшира, жисмоний тарбия йўриқчисининг амалга оширадиган вазифалари аниқ белгилаб бериледи.

Хар бир гуруҳда ҳафтасига 7 та машғулот: душанба кунини нутқ ўстириш, атроф-муҳит билан таништириш, бадий адабиёт машғулотларидан бири; сешанба кунини расм, лой, қуриш-ясаш, аппликация машғулотларидан бири; чоршанба кунини табиат билан таништириш; пайшанба кунини музика; жума кунини жисмоний тарбия машғулотлари ўтказилади, сешанба кунини музика машғулоти ҳисобидан кўнгилочар соат, чоршанба кунини жисмоний тарбия машғулоти ҳисобидан спорт тадбирлари, мусобақалар ташкил этиш мумкин.

Ёзги соғломлаштириш тадбирлари самарали ўтказилиши мактабгача таълим муассасаси жамоасининг пухта тайёргарлик кўришини талаб этади. Бу мавсумда болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун бор имкониятдан фойдаланиб, майдончаларни тайёрлаш, барча эътиборни болаларнинг яхши ривожланиши ва чиниқтиришга қаратиш лозим.

### Ёзги соғломлаштириш мавсумида амалга оширилиши белгиланган вазифалар:

#### Методист:

✓ ёзги мавсумни ташкил этишга доир услубий жараёни назоратга олиши;

✓ муассаса педагогларига ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш борасида маслаҳат-тавсиялар бериши;

✓ иш йўналишлари бўйича методик қўлланмалар, ўйин фаолиятлари учун жиҳоз ва материаллар жамлаши;

✓ таълим жараёнини ташкил этиш, болалар билан сайр ва кузатувлар ўтказишга доир тавсиялар тайёрлаши;

✓ МТМ музика раҳбари, жисмоний тарбия йўриқчиси, ҳамшира ва тарбиячилар билан ҳамкорликда режа ва тадбирлар тузиши лозим.

#### Тарбиячи:

✓ чиниқтириш ишлари ва кўнгилочар соатларни соғломлаштириш чора-тадбирлари режаси асосида ташкил этиши;

✓ болаларни сайрга олиб чиқишдан аввал ўйин ва кум майдончаларининг хавфсизлигини текшириши, агар носозликлар мавжуд бўлса, раҳбариятга хабар бериши;

✓ эрталабки қабулни ва бадантарбия машқларини очиқ ҳавода ўтказиши;

✓ болалар бош кийимда юришини назоратга олиши;

✓ чиниқтириш ишларини доимий равишда амалга ошириши: очиқ ҳавода сайр, эрталабки бадантарбия машқларини, уйқудан олдин сув муолажаларини ўтказиши, уйқудан кейинги гимнастика машқларини, шунингдек, шифокор ёки катта ҳамшира раҳбарлигида махсус чиниқтириш ишларини ташкил этиши, натижаларни эса соғломлаштириш ёки чиниқтириш дафтарига ёзиб бориши;

✓ қўл ва оёқлар учун ишлатиладиган сочиқларнинг болалар сонига етарли ҳамда ётоқхонада ўринларнинг рақамланган бўлишини таъминлаши лозим.

#### Мактабгача таълим муассасаси ҳамшираси:

✓ рўйхат асосида тарбияланувчиларнинг тиббий картасини назоратга олиши;

✓ тез касалга чалинувчи болаларни аниқлаб, индивидуал кундалик тартиб белгилаши;

✓ тарбиячилар билан ҳамкорликда хар бир ёш гуруҳига мос ҳолда чиниқтириш ишларини ташкил этиши;

✓ болаларни соғломлаштириш, ҳаётини муҳофаза қилиш, гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича ота-оналарга маслаҳат-тавсиялар бериши;

✓ тиббиёт хонасида биринчи тиббий ёрдам учун зарур дори-дармонлар сақланиши;

✓ тиббиёт хонасида изоляторнинг доимий тайёр бўлишини таъминлаши;

✓ мактабгача таълим муассасаси ошхонаси, кир ювиш хонаси, гуруҳ хоналари, майдончаларда озодликни назоратга олиши;

✓ болаларнинг вақтида овқатланиши, ичимлик суви билан таъминланишини назорат қилиши;

✓ эрталабки филтнинг тўғри ташкил этилишини назорат қилиши;

✓ чиниқтириш ва сув муолажалари тўғри ташкил этилишини назоратга олиши зарур.

#### Жисмоний тарбия йўриқчиси:

✓ хар бир ёш гуруҳи учун жисмоний тарбия машғулотлари жадвалини тузиши;

✓ гуруҳлар ёш таркибини ҳисобга олиб, дастур асосида машғулотларни ўтказиши;

✓ кун давомида болаларнинг ҳаракат фаоллигини назорат қилиши;

✓ спорт-соғломлаштириш ишларини олиб бориши;

✓ болалар билан эрталабки бадантарбия машқларини ўтказиши;

✓ жисмоний ривожланишда орқада қолган болалар билан алоҳида машғулотлар олиб бориши;

✓ болаларнинг соғлиги ва жисмоний ҳолатини назорат қилиши;

✓ тарбиячилар ва ота-оналарга маслаҳат-тавсиялар бериб, методик, амалий ёрдам кўрсатиши;

✓ машғулотлар пайтида болалар соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаши;

✓ МТМ ходимлари ва ота-оналар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг афзалликлари ҳақида ташвиқот ишларини олиб бориши;

✓ спорт байрамлари ва мусобақаларни ташкил этишда тарбиячи, музика раҳбари билан ҳамкорлик қилиши;

✓ болалар билан спорт тўғрисида ишларини давом эттириши керак.

#### Сайр учун керакли жиҳозлар:

✓ сув ва кум билан ўйналадиган ўйинчоқлар — иккиламчи материаллар (қоқоқчалар, идишчалар, мато бўлаклари ва ҳоказо);

✓ қўл ювиш учун сув, бир марталик сочиқчалар, чиқиндилар учун челақ;

✓ шамол ўйинлари учун жиҳозлар (айланалар, қоғоз пирпиралар, ленталар);

✓ воқеабанд ва театрлаштирилган ўйинлар учун кўнгилочлар;

✓ спорт ўйинлари учун жиҳозлар (халқалар, кеглилар, бадминтон, арқончалар, хар хил катталикдаги тўплар);

✓ стол босма ўйинлари;

✓ табиат қўйнида меҳнат қилиш учун керакли жиҳозлар тўплами (куракча, белкурак, супурги, хокандоз, хаскаш, сув сепадиган жўмракчи челақчалар);

✓ қўл меҳнати учун керакли ашёларнинг қоғоз қутиларда бўлиши (рангли ва рангсиз қоғозлар, бўёқ, пластик шаблон-андозалар, бўяш учун китобчалар, сочиқчалар);

✓ сайрда намойиш этиш ва ҳикоя

қилиб бериш учун бадий адабиётлар;

✓ енгил тўшамалар ва пардалар.

Ташқарига олиб чиқиладиган жиҳозларнинг хавфсизлиги (синган, тешиланган жойлари йўқлиги) текширилиб, хар кун сайрдан кейин ювилади, қуритилади ва қути ёки саватларга жойланади. Хар бир жиҳоз кўздан кеңирилади.

Сайр ва ўйиндан сўнг айвонча, майдонча ва болалар уйчалари супурилади, иссиқ кунларда эса ювилади. Кум сақланадиган жойлар доимо тозаланиб, эланиб, нам ҳолатда сақланишини таъминлаш керак. Кум ўйинларидан сўнг майдонча гилофи билан ёпиб қўйилади.

#### Сайрни ташкиллаштириш:

✓ кузатиш, ажратилган майдончада меҳнат қилиш, қўл меҳнати ва маший меҳнатни ташкиллаштириш, қуриш-ясаш, воқеабанд, театрлаштирилган, таълимий, стол-босма, ҳаракатли ва спорт ўйинларини ўйнатиш, табиат қўйнига сайрларни уюштириш, яқка тартибда ишлаш, ҳикоя қилиб бериш, расм намойиш этиш ва ҳоказо;

✓ фаолиятлар (ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия машғулотлари, меҳнат, сайрлар) жисмоний юктамалар билан боғлиқ бўлиб, кун тартиби асосида ўтказилиши керак;

✓ кун давомида болаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш (секиндан тезга ва аксинча);

✓ МТМда ва уйда кун тартиби асосида соғломлаштириш ва чиниқтириш тадбирларини, овқатланиш ва дам олишни оқилона ташкил этиш, болаларни жисмоний ривожлантиришда спорт жиҳозларини ўринли қўллаш, дам олиш масканларида сув ҳавзаларидан тўғри фойдаланиш, кўчада бола хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ота-оналарни ҳабардор қилиб туриш.

### Ёзги соғломлаштириш мавсумида амалга ошириладиган методик ишлар

№	Бажариладиган ишлар мазмуни	Ўтказиш вақти	Масъуллар
<b>I. Болалар билан олиб бориладиган ишлар мазмуни</b>			
1.	Машғулотларни очиқ ҳавода (безатилган ёзги майдончада) ўтказиш.	Июнь, июль, август	Мудира, методист, тарбиячи ва жисмоний тарбия йўриқчиси
2.	Сайр, экскурсиялар уюштириш.		
3.	"Салом ёзи!", "Ёз — ўтмоқда саз", "Эрталаклар — эзгуликча етаклар" каби байрам тадбирларини ўтказиш.		
4.	"Ёш рассомлар" танловини ўтказиш, қоғозга мўйқалам билан расм чиздириш.	Июнь	
5.	"Кичкинтойлар олимпиадаси"ни ўтказиш.		
6.	Ҳайвонот ва ботаника боғига сайр уюштириш.		
7.	"Нептун", "Рангли пуфаклар" сув байрамларини ўтказиш.	Июль	
8.	"Эҳтиёткор пиёда", "Пиёда — умринг бўлсин зиёда", "Йул ҳаракати хавфсизлиги — умр гарови" мавзуларида ижодий тадбирлар ҳафталигини уюштириб, болалар ва катталар билан саҳналаштирилган кўринишларни намойиш этиш.		
9.	"Соғлом болажон" спорт мусобақасини ташкиллаштириш.		
10.	"Олтин балиқча" сузиш ҳафталигини ўтказиш.		
11.	"Гуллар байрами" ҳафталигини ташкил этиб, тарбияланувчиларнинг ота-оналари иштирокида иккиламчи материаллардан гул ясашига имконият яратилиши.	Август	Мудира, методист, тарбиячи ва жисмоний тарбия йўриқчиси

# ЁЗ – СОЗ ЎТСИН!

## Мактабгача таълим муассасаларида ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича методик тавсия

(Давоми. Боши 12-бетда.)

№	Бажариладиган ишлар мазмуни	Ўтказиш вақти	Масъуллар
12.	"Табиат кўриқчиларимиз!" мавзусида она табиатга меҳр уйғотишга йўналтирилган кўл меҳнати ҳафталигини ташкил этиш.		
13.	"Ўз уйингни ўзинг асра" ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари асосида асфальтга расм чиздириш.		
14.	"Жажжи ижодкор" қоғоздан турли буюмлар ясаш ҳафталигини ўтказиш.		

### II. Соғломлаштириш ва чиниқтириш ишлари

1.	Эрталабки бадантарбия машқларини очик ҳавода, гиламча устида, енгил кийимда, предметлар билан ва уларсиз бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш.	Июнь, июль, август	Методист, тарбиячи, жисмоний тарбия йўриқчиси
2.	Чиниқтириш: хонада енгил кийимда бўлиш, дераза тоқчасини очиб қўйиш. Кийим ва пойабзални мавсумга ва машқ турига мувофиқ танлаш. Сочик билан тана аъзоларини артиш: аввал кўлларни, кейин баданни куруқ сочик билан тана қизаргунча артиш. Фақат катталарнинг назорати остида чўмилиш. Ялангоёқ ҳолатда оёқни шикастлантириш хавфи йўқ жойларда юриш. Чиниқтириш қоидаларини онгли равишда бажаришга ўргатиш. Табиий чиниқтириш воситалари(кум, сув, ҳаво ва қуёш ванналари)дан унумли фойдаланиш.		
3.	Қоматни тўғри тутиш кўникмасини тарбиялаш, бадантарбия машқлари таркибига қоматни тўғри шакллантирадиган, ясситовонликнинг олдини оладиган машқларни киритиш; тўғри қоматни мустақил назорат қилиб бориш қоидаларига риоя қилиш: орка билан деворга суяниб, тик туриш, деворга елкани теккизиб туриш, юришда шу ҳолатни сақлашга ўргатиш ва доимо назорат қилиб туриш.		
4.	Узоқ давом этадиган сайрлар ва экскурсияларни ташкил этиш: унда ҳаракатли ўйинларга кўп мурожаат қилиш, болалар ҳолатини мунтазам кузатиб бориш.		
5.	Шикастланишнинг олдини олиш: болалар ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва эҳтиёткорликка ўргатиш.		
6.	Маданий-гигиеник кўникмаларни эгаллаш ва ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш, бассейнга тушиш ва чиқишдан аввал душда чўмилиш ва ҳоказо.		

### III. Таълим-тарбия жараёнини режалаштириш

1.	"Болажон" таянч дастури асосида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш.	Июнь, июль, август	Методист, тарбиячи, жисмоний тарбия йўриқчиси
2.	Ёзги мавсум машғулотлар жадвалига ўзгартиришлар киритиш.		
3.	Ёзги мавсумга керакли адабиётлар ва услубий кўлланмалар банкни яратиш.		
4.	Мураккаб фаолиятларни енгил, мусиқали ва жисмоний дақиқалар билан алмаштириш, эркин мавзуда суҳбатлар уюштириш.		
5.	Катта тарбиячи томонидан маслаҳат кунини ташкил этиш ва тарбиячиларга танланган йўналиш бўйича тавсиялар бериб бориш.		
6.	Ҳайвонот боғига ташриф буюриш учун тегишли жойлардан рухсатнома олиш ва болаларни саёҳатга тайёрлаш.		
7.	Ёзги мавсумни ташкил этишда миллий ва ҳаракатли ўйинлар, театрлаштирилган сахна кўринишлари учун эртақ қаҳрамонлари кийимларини тайёрлаш.		

### IV. Ота-оналар билан ишлаш

1.	Ота-оналарга болаларнинг дам олиши учун шароит ҳозирлаш юзасидан маслаҳатлар бериш.		
----	---	--	--

№	Бажариладиган ишлар мазмуни	Ўтказиш вақти	Масъуллар
2.	Ота-оналар учун ажратилган эълонлар тахтасида болалар фаолиятдан намуналарни доимий равишда ёритиб бориш.	Июнь, июль, август	Мудира, методист, тарбиячи, йўриқчи ҳамда ота-оналар
3.	"Фарзандим — дилбандим", "Болангизни биласизми?!" мавзуларида ота-оналар орасида кўрик-танлов ва психологик тестлар, сўровномалар ташкил этиш.		
4.	Ота-оналарга ёзда болаларни кийинтириш юзасидан тавсиялар бериш.		
5.	Ота-оналар ва болалар билан "Юқумли касалликларнинг олдини олиш", "Микрооблар — касаллик тарқатувчилар", "Ювилмаган мева ва сабзавотлар соғлик учун зарарли" мавзуларида яқка ва жамоа ҳолда суҳбатлар уюштириш.		

### V. Ташкилий масалалар

1.	Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисидаги йўриқнома билан таништириш, бу борадаги ишларни ўрнатилган тартибда ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.	Июнь	Методист, тарбиячи, ҳамшира
2.	Болалар майдончаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш.	Июнь, июль, август	Мудира, ҳўжалик маъмурий ишлар мудир
3.	Болаларнинг рационал овқатланишини ташкил этиш, тоза ичимлик суви ва шарбат билан таъминлаш.	Июнь, июль, август	Мудира, ҳамшира, ҳўжалик маъмурий ишлар мудир
4.	Озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида истеъмолга тавсия этилган маҳсулотларни мунтазам назорат қилиш.		
5.	Ҳамшира хонасини керакли тиббий воситалар билан таъминлаш.		

### Мактабгача таълим муассасасида режалаштирилган тахминий кун тартиби (намуна)

7 <sup>30</sup> —8 <sup>30</sup>	Қабул, болалар соғлиғини текшириш, ихтиёрий ўйинлар
8 <sup>30</sup> —9 <sup>00</sup>	Эрталабки бадантарбия
9 <sup>00</sup> —9 <sup>30</sup>	Нонушта
9 <sup>30</sup> —10 <sup>10</sup>	Машғулотлар, 2-нонушта
10 <sup>10</sup> —10 <sup>20</sup>	Сайрга тайёргарлик
10 <sup>20</sup> —12 <sup>00</sup>	Сайр
12 <sup>00</sup> —12 <sup>30</sup>	Сув билан чиниқтириш
12 <sup>30</sup> —13 <sup>00</sup>	Тушлик
13 <sup>00</sup> —15 <sup>00</sup>	Уйку
15 <sup>00</sup> —15 <sup>40</sup>	Уйкудан туриш, ювиниш
15 <sup>40</sup> —16 <sup>00</sup>	Толма чой
16 <sup>00</sup> —16 <sup>30</sup>	Ўйинлар, мустақил фаолият, тўгарак фаолияти, кўнгилочар соатлар
16 <sup>30</sup> —16 <sup>40</sup>	Сайрга тайёргарлик
16 <sup>40</sup> —17 <sup>30</sup>	Сайр
17 <sup>30</sup> —18 <sup>00</sup>	Ўйинлар, болаларни уйга кузатиш, ота-оналар билан ишлаш

### Ҳафталик машғулотлар жадвали (намуна)

№	Ҳафта кунлари	Машғулотлар
1	Душанба	1. Нутқ ўстириш (атроф-муҳит билан таништириш)
2	Сешанба	1. Расм (лой, қуриш-ясаш) 2. Мусиқа
3	Чоршанба	1. Жисмоний тарбия
4	Пайшанба	1. Табиат (бадий адабиёт) 2. Жисмоний тарбия
5	Жума	1. Мусиқа
	Жами:	7 та машғулот

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази

## Гойибдан келган мўъжиза

Голф бўйича мусобақа ўтказилди. Гойибга каттагина пул мукофоти берилди. Совериндор хурсанд бўлганича уйига йўл олди.

### Энг Яхши Янгилик

Клуб биносидан энди чиққан ҳам эдики, бир аёл яқин келиб, ютган пулидан озроқ беришини сўради. Унинг мунг тўла қиёфаси, афтода кўриниши йигитнинг раҳмини келтирди. Йўлидан тўхтаб, аёлнинг бутун бошли ҳикоясини эшитди. Маълум бўлишича, унинг ўғли оғир хасталикка чалинибди. Мураккаб ва жуда қimmat операцияга тўлаш учун эса мутлако пули йўқ экан. Бу ҳикоядан спортчи қаттиқ таъсирланди, кўзларига ёш келди. Ютуқ пулининг ҳаммасини боланинг даволаниши учун бериб юборди.

Бир неча кундан сўнг клубга келган йигит дўстларига бахтиқаро аёл ва унинг бемор ўғли ҳақида гапириб берди.

— Вах! — деб юборишди улар бир овоздан. — Сени ҳам чув туширибди-да! Ҳамма гапи ёлгон, ўзи тўкиб-бичган. Афсуски, унинг ногорасига ўйнаганлар анча-мунча. Бу гапларни сенга айтиш жуда ноқулай. Лекин сен бизнинг дўстимизсан, ҳақиқатни била кўйганинг яхши.

— Ҳеч қанақа хаста бола йўқми? — деб сўради чемпион.

— Йўқ!

— Э, Худога шукур-е! Бу ҳафта эшитган энг яхши янгилигим шу бўлди!

Тесси ўн ёшлардаги истарали бир қизча. У бир куни ота-онаси укаси ҳақида гаплашганини эшитиб қолди. Қизча укаси оғир касал эканини ва даволашти учун ота-онасининг пули йўқлигини билди. Оила яқинда бошқа уйга кўчиб ўтган, шу сабаб бир пайтда уйга ва муолажга тўлов қилишнинг иложи йўқ эди. Теддини кучли малакага эга ва шу билан бирга хизмати қimmat жарроҳига даволаши мумкин эди.

### Мўъжизанинг Баҳоси

Тессининг онаси йиглар, отаси эса умидсиз бир оҳанг-да гапирди:

— Теддини ҳозир фақат мўъжизага кутқариб қолиши мумкин.

Бу гапни эшитиб, қизча хонасига югуриб кирди, галадондаги кутичасини очди. Унинг бутун бойлиги шу идишга жамланган эди. Тангаларини гиламга тўқди-да, санай бошлади. Адашмаслик учун уч марта санади. Сўнг пуллари-ни қутчага солиб, бор кучи билан дорихонага қараб югурди. Тесси доричи унга вақт ажратишини жимгина кутиб турди. Бироқ оқ халатли киши бошқа бир киши билан қизгин сўхбатлашар, хона четидеги ўн яшар қизчага қараб ҳам қўймасди. Хийла вақт ўтди. Қизча нима киларини билмай, оёқларини бир-бирига тап-тап этказиб урди. Бироқ фойдасиз. Сўнг қаттиқ-қаттиқ йўталди. Аммо бу ҳам наф бермади. Ниҳоят у битта тангани олиб, ойнани чертди. Ниҳоят доричи унга қаради!

— Нима керак сенга? — деди у асабийлашиб. —

### Икки нуқтаи назар

Бир машҳур пойабзал фирмаси маҳсулотларини иссиқ иқлимда ўлкалардан бирига сотиш бўйича лойиҳа қабул қилди. Икки ҳодим бозорни ўрганиш учун ушбу мамлакатга жўнади. Улар алоҳида ҳолда вилоятларга йўл олди. Маҳаллий бозор ва истиқболдаги харид имкониятини ўргана бошлади.

Бир неча кун ўтди ва таҳлилчилардан бири қайтиб келди:

— У ерда ҳеч ким пойабзал киймас экан. Бу бозорни эгаллайман деб бехуда вақт сарфламаслик керак!

Иккинчи таҳлилчи ҳалиям вилоятларни кезиб юрар, шеригининг хулосасидан беҳабар эди. Бироз вақт ўтиб фирма-

га ундан факс келди:

— Дўстлар! Мўлжалдаги экспорт ҳажмини уч баробар кўпайтириш керак. Бу жойларда ҳали ҳеч ким оёқ кийим киймас экан!

Бир вазият кимгадир енгиб бўлмас тўсиқ бўлиб кўринса, кимгадир беқиёс имкониятлар эшиги вазифини ўтайди. Ҳаётда имконларни илғаб, улардан фойдалана олганларгина ютади.

Бу воқеа олис мамлакатлардан бирида юз

### Муқаррар жазо

берган. Маст ҳолатда машина ҳайдагани учун София исмли аёли дастлабки суриштирувга олиб келишди.

27 ёшли тантиқ бу жувон қаттиқ маст эди, ўзига келгунча анча вақт алжираб ўтирди. Ҳушига келгач эса, гап нимадалигини тўла-тўқис англаб, ўзини қўлга олди. Уни оғир жазо кутиб турарди. Шу сабабли шаҳарнинг энг кўзга кўринган адвокатини ёллади. Ҳуқуқшунос бор билим-маҳоратини ишга солиб, Софияни жазодан қутқариб қолди.

Бошига тушган ишлардан керакли хулоса чиқармаган аёл галабасини ювиш учун барга кирди. Тўйгунча ичиб, маст бўлди. Сўнг яна рулга ўтирди. Уни бу сафар бошқа кўргулик қарши олди. Йўлда кимнидир уриб юборди, нима бўлаётганини яхши англамай бечорани йигирма метрга қадар судраб борди. Кўрсатилган тез тиббий ёрдам фойда бермади, касалхонага жуда оғир ҳолатда олиб келинган бемор ҳаёт билан видолашди.

Бу сафар Софияни ҳеч ким жазодан асраб қола олмади. Аёл камокхонада эканида бир гапни эшитди: бахтсиз ҳодисада қурбон бўлган киши уни ўтган гал жазодан қутқариб қолган адвокат экан.

кин дадам унга пул тўлолмайди. Шунинг учун ўзимнинг пулимини ишлатишга қарор қилдим.

— Қанча пулинг бор? — деб сўради чиқаголик киши.

— Бир доллару ўн бир цент, — деб гўлдиради қизча. — Бор пулим — шу. Бу кам бўлса, яна опкеламан.

Чиқаголик киши тангаларини олди-да, қизчанинг қўлидан тутди. Уйига олиб боришини сўради:

— Ҳозир уйлариингга борамиз. Ота-онангни, укангни кўришимиз керак. Ушанда унга қанақа мўъжиза кераклигини аниқлайман.

Бу пўрим кийимли киши нейрхирургия соҳасида доврқ қозонган таникли жарроҳ Карлтон Армстронг эди. У жарроҳлик амалиётини мутлоқ текинга қилди ва Тедди тез орада уйига соппа-соғ бўлиб қайтди. Ота-она ўзида йўқ хурсанд, бири олиб-бири қўйиб дўхтирни мактар, уни йўлиқтиргани учун Худога шукрлар айтарди.

— Бу дўхтир ҳақиқий мўъжиза бўлди, гойибдан келди, — деб шивирларди она. — Билмадим, бунақа операция неча пул тураркан...

Тессининг юзларига табасум югурди. У мўъжизанинг баҳоси қанчалигини жуда яхши биларди... Бир доллару ўн бир цент ва ўн яшар қизачанинг самимий ишончи.

Ориф ТОЛИБ тайёради.

Кунларнинг бирида ёш туяқуш катталарнинг сўхбатини эшитиб қолибди.

— Орзу йўлида мashaqqatлардан кўрқмасдан ҳаракат қилиш мardларга хос. Кўп яхши ишлар хаёлда орзу бўлиб туғилади. Кейин уни рўёбга чиқарадилар, — дебди ота туяқуш.

Она туяқуш унинг гапларини қўллаб-қувватлаб, "Шунинг учун ҳам орзуга айб йўқ дейдилар-да", дебди.

Бу гапларни эшитган ёш туяқуш сувда балиқ каби сузишни орзу қилиб дарёга борибди.

### Орзунинг чегараси

Эртак-ўргатма

— Эй балиқлар, мен ерда юришни ҳам, учишни ҳам қойиллатаман. Аммо сизлардек сузишни орзу қиламан. Илтимос, мени сузиш сирларидан оғоҳ этинг. Бу йўлда қандай қийинчилик бўлса, енгилга тайёрман.

Туяқушнинг гапидан балиқлар ҳайрон бўлибди. Ҳали ҳеч бир жонзот улардан бундай нарсани илтимос қилмаган экан.

— Биз туғилганимиздан буён сузамиз. Аммо буни қачон, кимдан ўрганишимизни билмаймиз. Худди сен қачон юришни ўрганигини билмаганингдек. Шунинг учун биз сенга сузишни ўргатолмаймиз. Яхшиси, сен денгизга бориб катта балиқлар — кит ва дельфинлардан сўраб кўр. Балки улар ёрдам берад, — деб маслаҳат берибди.

Туяқуш денгизни излаб йўлга тушибди. Денгизни аввал ҳеч кўрмаган экан. У узоқ йўл юрибди. Бепеён денгизни кўриб жуда қувонибди. Улкан кемалар уни ҳайратга солибди. Сузишни ўрганиб олсам, денгиз жониворлари билан ким ўзарга баҳс бойлашардим, деб ширин хаёллarga берилибди. Бир пайт у томонга сузиб келаётган баҳайбат китга кўзи тушиб, унга бу ерга нима учун келганини айтибди.

— Э, ҳали сен туяқуш балиқ бўлмоқчимисан. Балки кейин илон бўлгинг ҳам келиб қолар. Агар туяқуш-балиқ-илон бўлиб қолсанг борми? Нафақат сузишни, ерда судралиб юришни ҳам ўрганиб олардинг, — дебди кесатиб. Китнинг бу гапини эшитган денгиз жониворлари сузгичларини силкиб-силкиб қулишибди.

— Ахир, орзуга айб йўқ дейдилар-ку. Сузишни орзу қилсам, бунинг нимаси ёмон экан? — дебди туяқуш ранжиганнамо.

Шунда уларни жим қузатиб турган кекса кит мулоимлик билан:

— Унинг устидан кулманг, ҳали ёш экан. Балки у орзунинг ҳам чегараси борлигидан беҳабардир, — дебди. Кекса китнинг гапидан сўнг сув ости салтанати жониворлари кулишни бас қилибди. Уша куни ёш туяқуш уйига хомуш қайтибди ва ота-онасига дебди:

— Сизлар орзуга айб йўқ, ким нимани истаса ва астойдил ҳаракат қилса, албатта, ниятига етади, дегандингиз. Мен ҳам балиқлардек сузишни орзу қилиб дарёга, сўнг денгиз жониворлари хузурига бордим. Улар менга "Орзунинг чегараси бор. Сенга бу ҳақда ҳеч ким айтмаганими? Туяқушнинг сузишни орзу қилиши ана шу чегарадан чиқиш дегани. Шунинг учун қанчалик ҳаракат қилма, бу ниятинг рўёбга чиқмайди", деб дакки беришди. Сизлар бу ҳақда менга ҳеч нима демаган эдингиз.

Туяқушнинг онаси уни юпатиб, оҳиста сўз бошлабди.

— Орзунинг чегараси. У шундай чегараки, ундан нарида сен ва менинг имкониятимиз етмайдиган нарсалар бор. Балиқлар сузгич қанотлари билан дунёга келган. Балиқ, кит, дельфин яна бир қанча жониворлар сувда яшаш учун яратилган. Биз туяқушларни ҳам табиат шу ҳолда яратган. Биз сувда эмас, қуруқликда яшаймиз. Шундай экан, туяқуш-лигимизча қоламиз. Сен балиқлардаги сузгичлар ўзингда бўлишини орзу қилганингда ана шу чегарадан ўтиб кетмоқчи бўлгансан...

Ҳидоят ОЛИМОВА

2017-yil 7-iyun, № 45 (9006)

## Вакилларимиз голиблар сафида

Авал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 25–27 май кунлари Жиззах шаҳрида мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Barkamol avlod — 2017» спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда самарқандлик ёш спортчилар ҳам муносиб иштирок этди.

Хусусан, 64 нафар спортчи-ўқувчи спортнинг 15 тури бўйича ўз маҳоратини намойиш этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 3-ўринни эгаллади. Энг қувонарлиси, уларга Президент совғаси — «Дамас» автомобили тақдим этилди. Музаффар спортчиларимиз Самарқанд темирйўл вокзалида тантанали равишда кутиб олинди.

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бунинг замирида фидойи мураббийларнинг тинимсиз меҳнату машаққати, ҳомийларимизнинг рағбати, шунингдек, Самарқанд олимпия захиралари коллежи, Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей, Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи раҳбарияти саъй-ҳаракатлари борлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ёшлик ва дўстлик байрами дея эътироф этилган «Barkamol avlod» спорт фестивалида вакилларимиз ilk дақиқаларданоқ соvrинли ўринлар учун курашишни билдириб қўйди. Жумладан, Самарқанд энгил саноят ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Александр Степанов энгил атлетикачилар баҳсида биринчилардан бўлиб, олтин медални қўлга киритди. У 110 метр масофага тўсиқлар оша югуришда тенгсизлигини исботлаган бўлса, Самарқанд олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Нуриносо Усмонова бадий гимнастика бўйича шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. 81 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан боксчимиз, Каттакўрғон шаҳар педагогика коллежи ўқувчиси Олимжон Тошнйезов ҳам барча рақибларини энгил, мусобақа голиби



бўлди. Ана шундан сўнг қолган самарқандлик ўғил-қизлар ҳам бирин-кетин медалларни қўлга киритди.

— Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтганимизда, дилимизда «Barkamol avlod» спорт мусобақасидан олтин медалсиз қайтмайман, деган азму шижоат жўш урганди, — деди 16 ёшли Нуриносо Усмонова. — Шўқрки, юзим ёруғ бўлди — орзум ушалди, мусобақа чемпиони бўлдим. Ўзимга бўлган ишонч янада ортди. Бунинг учун мураббийларимга раҳмат дейман. Келгусида бундан-да юқори натижаларга эришиб, юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда ҳам муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман.

Бундай эзгу ният ҳар бир самарқандлик ёш спортчи қалбида улғаймоқда, десак хато бўлмайди. Бу уларнинг галабага бўлган қўли иштиёқидан аён. Буни вакилларимиз мусобақанинг қўл тўпи, бадий гимнастика, шахмат, оғир атлетика, энгил атлетика, бокс, дзюдо, таэквондо, юнон-рум кураши, сузиш ва теннис бўйича ўтган баҳсларда 8 олтин, 9 қумуш ҳамда 14 бронза медал ҳамгарганидан ҳам билиш мумкин.

**Ҳақим ЖўРАЕВ,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

## Полвон қизнинг нияти

Мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун етарлича шароит яратилиб, ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун имкониятлар эшиги кенг очилган. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ иқтидорлар сафи ҳам ортиб бормоқда.

Касбилик Хурсаной Каримова ҳам ана шундай истеъдодли ёшлардан бири. У 5 йилдан бери жеткундо билан шуғулланапти.

— Жеткундонинг шартлари ўзгача мураккаблика эга, — дейди Хурсаной. — Спортчи рақиб мувоzanат йўқотиши учун бир сонияда оёғи билан бешта энгил зарба йўллаш, кейин эса куч ишлатиб, уни мағлуб этиши лозим. Шарқона кураш усулларининг ҳар бири муайян мазмунга эга. Жеткундо шиддат, жанговар рух, ватанпарварлик туйғусини ўстириши билан янада кадрлидир.

Дарвоқе, Хурсаной Каримова 2013-2014 йилларда Тошкент шаҳрида

ўтказилган очик чемпионатда, 2014 йили Ўзбекистон чемпионатида, шу йили Тошкент шаҳрида жаҳонга машҳур яккакураш намоюдаси Брюс Ли хотирасига бағишлаб ташкил этилган халқаро турнирда фахрли биринчи ўринни эгаллаб, қизил ва қора белбоғ соҳиби бўлди.

Айниқса, 2014 йили Қарши шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ҳамда 2015 йили Нодир Шодмонов хотирасига бағишлаб ташкил этилган турнирда биринчи ўринни олгани Хурсанойнинг хотирасида бир умр сақланса, ажабмас. Боиси, мазкур мусобақалардаги ҳар бир қарама-қаршилик кескин тарзда, муросасиз руҳда ўтган.

Айни пайтда у Қарши шаҳридаги 41-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқияпти. Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, тўғрисиқлиги, масъулиятини эҳтиш билан устозлари ва синфдошлари орасида хурматга эга. Қаҳрамони миз аъло баҳоларга ўқилган ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мактаб бошланғич ташкилоти ҳамда «Ораста қизлар» тўғарагининг фаол аъзосидир.

— Машғулотларда мураббийлардан кўп нарсани ўрганаяман, — деди Хурсаной. — Мамлакатимизда биз — ёшлар учун яратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватанимизга муносиб ҳисса қўлишни олдимга мақсад қилиб қўйдим ва бу орзуларимга, албатта эришаман.

**Хулқар РАҲАБОВА**

Хабарингиз бор, Уэльс пойтахти Кардифф шаҳрида «Реал» ва «Ювентус» клублари ўртасида футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси (ЕЧЛ) финали бўлиб ўтди.

## Яна «Реал» — чемпион!

«Евроспорт»да хабар қилинишича, мазкур баҳсда 4:1 ҳисоби қайд этилиб, испанлар жамоаси ушбу нуфузли мусобақа тарихида кетма-кет иккинчи марта зафар қўчди. Шунингдек, «Реал» устози, франциялик мутахассис Зайниддин Зидан ҳам кетма-кет иккинчи марта ЕЧЛ бош соvrинини қўлга киритган биринчи мураббий сифатида тарихга кирди. У футболчилик фаолияти мобайнида «Ювентус» (1996) ва «Реал» (2002) таркибидан бир мартадан ЕЧЛ голиби бўлган.

«Кироллик клуби» етакчиси, дунёнинг амалдаги энг яхши ўйинчиси, португалиялик Кристиану Роналду учун ҳам ушбу финал баҳси алоҳида аҳамият касб этди. У катта босим остида кечган оғир учрашувда дубль (20-, 64-дақиқа) қайд этиб, жамоаси галабасига муносиб ҳисса қўшди. Роналду ҳақли равишда финал баҳсининг «Энг яхши футболчи» сига аталган соvrинга эга бўлди. Қолаверса, Кристиану ушбу голлари (12) тўғрисида ЕЧЛнинг жорий мавсумдаги тўпураки бўлиб турган «Барселона» вакили Лионель Месси (11)ни ортда қолдирди. Бундан ташқари, у ўз фаолиятидаги 600-голини уришга муваффақ бўлди. Месси эса шу пайтгача рақиблар дарвозасини 565 марта ишғол этган. Учта ЕЧЛ финалида гол урган ягона футболчи ҳам айнан Роналду эканини унутманг.

Бугун «Реал» ва унинг миллионлаб мухлислари кўчасида байрам. Улар ишқибозлик қилаётган клуб Европа чемпионлар лигаси (Европа чемпионлари кубоги) бош соvrинини қўлга киритиш бўйича ўзи урнатган рекордини энгиллади. Энди мадридликлар ҳисобида 1956, 1957, 1958, 1959, 1960 (қаторасига 5 марта!), 1966, 1998, 2000, 2002, 2014, 2016 ва 2017 йиллардаги шонли галабалар махсули — жами 12 та шундай нуфузли соvrин бор.

Эътиборлиси, 1992 йилда мусобақанинг номи ЕЧЛ бўлиб ўзгарганидан бери ҳеч бир гранд клуб кетма-кет иккинчи марта бош соvrинини қўлга киритолмаётганлиги. Ана шундай норасмий «анъана»ни Зидан шоғирдлари йўққа чиқарди.

«Реал»нинг шу пайтгача ЕЧЛ финалларида 6 марта қатнашиб, барчасида галаба қозонгани ҳам диққатга сазовор. Бундан ташқари, испан клублари — «Реал» ва «Барселона» сўнгги тўрт мавсум (2014, 2016, 2017 йилларда «Реал», 2015 йилда «Барса»)да ЕЧЛ бош соvrинга ҳеч қимни йўлатмапти.

Яна бир қизиқ факт шуки, «Реал» 1958 йилда охириги марта ЕЧЛ ва Испания чемпионатида галаба қозониб, «дубль» қайд этган экан. Орадан 59 йил ўтиб, ана шу натижа қайтарилди — Зидан жамоаси бу мавсумда Испанияда ҳам тенгсизлигини исботлади.

Яна Роналду ҳақида. У ЕЧЛ бош соvrинини тўртинчи марта боши узра баланд кўтарди. Илк ютуққа

2008 йилда Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби билан эришганди. Бу борада у Кларенс Зеедорф, Лионель Месси ва Андрес Иньеста рекордини такрорлади. Агар ушбу мусобақа «ўтмишдош»лари ҳам ҳисобга қўшилса, рекордчи номи «Реал»нинг бошқа вакили, 1950—1960 йилларда шу еврокубоқларда 6 марта олтин медал билан тақдирланган ярим ҳимоячи Франсиско Хенто исмига ўзгаради.

Хўш, Италиянинг «Ювентус» клуби нималарга эришди? Финалдаги мағлубиятдан аламлиси йўқ, Айниқса, плей-оффда «Барселона»дек гигант тор-мор этилиб, «Монако»дек «чақилмас ёнғоқ»ларга «чиқиб эшиги» кўрсатилган бўлса, Қолаверса, миллионлаб мухлислар: «Қарийб 40



ёшга етиб қолган тажрибали дарвозабон Жанлуижо Буффоннинг шахсий музейида ЕЧЛ бош соvrини турса, ёмон бўлмасди», деган фикрда эди. Йўқ, бу сафар ҳам Массимилиано Аллегри шоғирдлари (2015 йилда «Барса»га энгилган) Буффоннинг оразуини рўёбга чиқаролмади.

Бунинг устига, туристиклар жорий мавсумда ЕЧЛда бирор марта ҳам энгилмай қелаётган эди. Мусобақанинг гуруҳ босқичида 2 та, плей-офф босқичида 2 та гол ўтказганди. Шунданми, «Юве» деганда, «метин ҳимоя» хаёлимизга қелаётганлиги. Йўқ! Финалда ҳаммаси ўзгариб кетди — Финалгача ўтказилган голлар гўёки «ёдга олинди» — бир учрашувда 4 та гол!

Энг ачинарлиси шуки, «Ювентус» еттинчи бор Еврокубоқ мусобақалари финалида энгилди. Бу турнирнинг антирекорди. Улар 1998 йилда ҳам айнан «Реал»га имкониятни бои (0:1) берган (ўшанда Зидан «Юве»да тўп сурарди). Турниклар сўнгги марта ЕЧЛда 1996 йили галаба қозонган. 20 йиллик сукут ана қўзиладиган бўлди...

Аммо шунга қарамай, «Ювентус» клубини қувонтирадиган натижалар ҳам бор экан. Хусусан, «Football Italy» нашрида ёзилишича, улар 2016/17 йиллардаги мавсум якунига кўра, ЕЧЛдаги иштирокидан энг кўп даромад олган клуб бўлибди. Яъни, туристиклар клуби газнасига УЕФА, ҳомийлар, телетрансляция ва чипталар сотувидан жами 109 миллион евро тушибди. Бу ЕЧЛдан олган даромади 100 млн евродан ошган ilk натижа, тарихий натижадир.

«Реал» эса ЕЧЛдан 80,9 млн евро ишлаган. Биласизми, агар «Ювентус» бош соvrинини қўлга киритганида ҳамгарган пули 113 млн еврога етарди.

**Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.**

## Аёллар диққатига!

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан қатор вазирилик ва идоралар ҳамкорлигида жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ўз фаолиятини самарали йўлга қўйган тадбиркор аёллар ҳамда эндигина тадбиркорлик фаолиятига кириб қелаётган хотин-қизлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлини йўлга қўйиш мақсадида «Жамиятнинг ривожланишида хотин-қизлар тадбиркорлигининг ўрни» шiori остида мамлакатимизда ilk мартаба тадбиркор аёллар бизнес-форуми ўтказилади.

Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳисса қўиши истагида бўлган тадбиркор аёлларни ҳамда эндигина ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган хотин-қизларни ушбу бизнес-форумда иштирок этишга таклиф қиламиз.

**Мурожаат учун телефонлар:**

0 (371) 239-40-42

0 (371) 244-03-80

**Тадбиркорлик ривожига фаол иштирок этайлик!**



## Ёшлар — матонат майдонида

**Жиззах вилоятида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг якуний bosқичи ўтказилди. Иштирокчилар дастлаб Жиззах шаҳридаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойга гул қўйиб, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртидаги таълим жараёни ҳамда ҳарбий техникалар билан танишди.**

Мусобақа жараёнларини кузатиб, юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати негизида ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган, Ватанимиз тақдир ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялашдек устувор мақсад мужассамлигини илгаш қийин эмас.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ кўмондонлиги, Жиззах вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мудофаа вазирлигининг Фахрийлар ишлари бўйича кенгаши аъзолари, ҳарбий хизматчилар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этган тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг якуний bosқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа саф, ҳарбий топография, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик, югуриш, турникда тортилиш, граната улоқтириш, тўсиқлар йўлагидан ўтиш, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш, пневматик-куролдан нишонга отиш, хоржий тил билимдони каби шартлар бўйича куч синашди.

Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази мутахассислари томонидан ўтказилган «тимбилдинг» («team building» — жамоа тузиш) жамоавий ўйинлари ёшларнинг қизиқшини янада оширди.

Яқунда Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги Транспорт ва саноат касб-хунар коллежининг «Соҳибқирон» жа-

моаси 3-ўринни қўлга киритди. Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги тадбиркорлик ва сервис касб-хунар коллежининг «Ёш десантчилар» жамоаси эса 2-ўридан жой олди. Ниҳоят, ғолиблик Фарғона туманидаги компьютер технологиялари касб-хунар коллежининг «Жалолиддин Мангуберди» жамоасига насиб этди.

Ҳарбий-спорт мусобақаларининг якуний bosқичида юқори шахсий кўрсаткичи билан тенгдошларига намуна бўлганлар, хусусан, граната улоқтиришда Ойбек Исломов (50 м, Жиззах), узок масофага югуришда Исфандиёр Ҳамроқулов (2,37 дақиқа; Фарғона), турникда тортилишда Файрузбек Зарипов (39 марта; Хоразм), мергандлик ботида Сирожиддин Каримов (39 очко, Андижон) ўз жамоаси ғалабасига катта ҳисса қўшди.

Мусобақа ғолиблари, турли номинация соҳиблари, совриндорларига диплом ва медаллар, Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари ҳамда бебаҳо хазина — китоблар тўплами топширилди.

**Азиз НОРҚУЛОВ**



Шерзод НАЗАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Ma'rifat

ТА'СИС  
ETUVCHILAR:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,  
О'zbekiston Oliy va o'rta maxsus  
ta'lim vazirligi, О'zbekiston  
Ta'lim, fan va madaniyat  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Indeks: 149, 150. F-615. Tiraji 51647.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotibiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqriz  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 21.20 Topshirildi — 22.00

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Ilbom JO'RAYEV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.